БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 5 октябрь Жума

№ 190 (13.626). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига делегатлар кўрсатилмоқда

Муносиблар сайланди

УРГАНЧ. Хива ноҳия комсомол қўмитасининг V пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида мактаб комсомол ташкилотларининг олиб бораётган ишлари ва навбатда турган вазифалари тўғрисида»ги масала Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ҳамда Ҳаракатномаси лойиҳалари муҳокама қилинди.

Пленумда Ўзбекистон комсомоли XXIV съездига делегатлар сайланди. Ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Б. Жуманиёзов, ноҳиядаги автосозлаш заводи бош муҳандиси Б. Отабоев, С. Отамуродов номли мактаб ўқувчиси С. Ибодуллаев, вилоят комсомол қўмитасининг котиби К. Иброҳимов, Хива гиламчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол қўмитасининг котиби Ф. Паратов, ноҳия ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлинмаси бошлиғи Р. Худойбергановлар Хива комсомолининг вакиллари сифатида жумҳурият комсомоллари анжуманида қатнашадиган бўлдилар.

Гулираъно МАТКАРИМОВА,
Хива ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котиби.

* * *

Жумҳуриятимиз комсомолининг XXIV съезди чақирилиши ҳақидаги хабар бутун Марғилон шаҳри комсомол-ёшларида катта қизиқиш уйғотди. Ҳозирги кунда барча бошланғич комсомол ташкилотларида съездга делегатликка номзодлар кўрсатилмоқда. Куни кеча «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол қўмитасининг XVI конференцияси бўлиб ўтди. Унда 101 нафар делегат иштирок этди. Конференция кун тартибидаги асосий масала — Ўз ЛКЁИ XXIV съездига делегат сайлаш ҳамда жумҳурият комсомолининг Устави ва Ҳаракатномасига таклифлар киритиш эди.

Бирлашманинг цех бошланғич комсомол ташкилотларидан съезд делегатлигига 6 та номзод кўрсатилганди. Улар конференция қатнашчиларига таништирилгандан сўнг бюллетенга киритилдилар. Айтиш керакки, номзодлар фақат оғзаки таништириб кетилди, холос. Уларга сўз берилмади.

Бўлиб ўтган сайлов натижасида кўпчилик овоз билан «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол қўмитаси котиби Муҳамадамин Орипов делегат этиб сайланди. Шундан сўнг жумҳурият комсомолининг Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳаларига таклифлар киритилди. Конференция якунида иштирокчилар съезд делегатига ўз талаб ва истакларини билдирдилар. Конференция ишида шаҳар комсомол қўмитасининг саркотиби Ж. Султонов иштирок этди.

Асилжон ЙЎЛДОШЕВ,
Фарғона вилояти комсомол қўмитаси ташкилий бўлим йўриқчиси.

Мумкин бўлган вариантлар

Жумҳуриятимиз комсомолларини БЛКЁИ Устави мутлақо қониқтирмайди. Бу ҳужжатда камчиликларга йўл қўйилган. Биз Ўзбекистон комсомоли Устави ва Ҳаракатномасини ишлаб чиқиш пайтида ана шуларни эътиборга олишимиз зарур. Бу ҳужжатларда Мухтор жумҳурият комсомол ташкилотининг ҳуқуқлари таърифлаб берилиши лозим.

А. АБДУМАЖИТОВ,
Қорақалпоғистон вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби.

Биз бугунги кунда бошқа жамоат расмий ва норасмий ҳаракатлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамжиҳатликни белгилаб олишимиз лозим. Ёшларга жамоат ҳаракатларига баҳо беришнинг мезонини ишлаб чиқиш биздан талаб этилади.

В. ТИВОНИК,
Самарқанд вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби.

Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари Муборак шаҳар комсомол қўмитаси ва Боғдод ноҳия комсомол қўмитаси пленумлари томонидан маъқулланди. Тўрақўрғон ноҳия комсомол қўмитаси ноҳия рўзномасида ноҳия комсомол ташкилоти Ҳаракатномаси ва Уставининг лойиҳаларини чоп этди. Андижонлик комсомоллар Уставнинг муқобил лойиҳасини таклиф қилишди.

(Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига келган ахборотлардан).

Ёшларнинг фаоллигини эътиборга олиб, 14 ёшдан комсомолга қабул қилиш зарур.

Ёш доирасини 16 ёшдан деб белгилаш лозим. Бу ташкилотга дахлдор масалага онгли ёндашиш имкониятини беради.

Жазолаш тўғрисидаги 6-банд зарурми?

Ҳозирги пайтда кўпчилик демократия ва ошкораликдан турли мақсадлар учун фойдаланмоқда. Масалан, ташкилотдан ёшларни эркин чиқиши уларни шаклсиз ҳолатга келтириб қўяди.

(Устав муҳокамаси даврида бошланғич комсомол ташкилотларида билдирилган фикрлардан).

Мана шулардан кўриниб турибдики, муҳокама ранг-баранг йўналишда бормоқда. Уни Уставнинг муқобил вариантлари тўлдирмоқда. Шуни эътироф этиш керакки, уларни бугунги кунда эълон қилиш бизни ана шу масалада чалғитиб қўяди. Ахир бирор бир ҳужжатни асос учун қабул қилиш лозим. Агар улар кўп миқдорда бўлса оддий комсомол аъзолари турли хил бандларда ва моддаларда чалғиб қолиши турган гап. Бу мазкур мақола муаллифининг ва ЛКЁИ Устави лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича комиссия аъзоларининг фикри эмас. Ана шундай фикрларни комсомолларнинг ўзлари бошланғич ташкилотларидаги йиғилишларда билдирмоқдалар.



ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ УСТАВИ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Бироқ ҳужжатни эълон қилмаслик — бу унга эътибор билан муносабатда бўлинмади деган гап эмас. Масалан, Андижон вилоят комсомол ташкилоти таклиф этаётган Уставнинг муқобил лойиҳаси варианти ҳар бир бандни таҳлил этган ва съезд муҳокамасига қўйиладиган ҳужжатга барча қимматли фикр-мулоҳазалар сингдирилган.

Ана шу кўпдан-кўп Устав лойиҳаси вариантларидан қайси бири ҳаммага яқинроқ? Устав лойиҳасини ишлаб чиқишда комиссиянинг кўпгина аъзолари маъмурий-буйруқбозлик принципларидан воз кечишга интилиши сезилиб турибди. Ахир кишининг ҳар бир қадамини тартибга солиб туриш нимага зарур? Шундан ҳам Устав лойиҳасининг 9-бандида асосий эътибор Иттифоқ ва ҳар бир комсомол аъзосининг манфаатларини уйғун тарзда қўшадиган демократик асосларда Ўзбекистон ЛКЁИси ички иттифоқ турмуши қурилишига қаратилган.

Устав лойиҳасининг 14-бандида шундай дейилади: «Ўзбекистон ЛКЁИсида принципиал ғоявийлик асосида эркин мунозара юритиш, барча органлар ва ташкилотларнинг ишида тўла ошкоралик кафолатланади». Лекин «Принципиал ғоявийлик асосида» деганнинг ўзи нимадан иборат? Ахир Нина Андреева учун бу бир тушунча бўлса, унинг рақиблари учун эса мутлақо бошқа тушунча. Ана шу банддан бошқача фикрда бўлганлар учун ўзига хос «мафкуравий тўқмоқ» сифатида фойдаланилмайдими? Унда Иттифоқ ички турмушида фикрлар хилма-хиллиги сақланиб қоладими? Комиссия аъзолари кўпчилигининг фикрича, йигит-қизларга чекланмаган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга кафолат бериш зарур. Шунинг учун вергулдан кейинги «тўла» сўзи олиб ташланиши керак. Ошкоралик нотўла бўлмайди. У бор, ёки йўқ бўлади. Мана шу мисол ҳам беҳудага келтирилгани йўқ. Устав лойиҳасининг ҳар бир банди синчиклаб муҳокама этилаяпти.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига келган мактублардан бирида Устав лойиҳаси иш юритувчиларга мўлжалланган, деган фикр билдирилган. Бўлимлар жуда кенг, айниқса, ўқувчи ёшларнинг қабул қилиши оғир. Баҳсли фикр. Бироқ комиссия бирор бир танқидий мулоҳазани ўша заҳотиёқ рад этмаяпти. Стилистика нуқтаи назаридан бутун матнни кўриб чиқиш лозим бўлар. Айрим ортиқча иборалар олиб ташланиб, ҳужжат ёшлар учун янада тушунарли, энг асосийси эса, уларга яқин бўлишига эришиш муҳимдир.

Бу ўринда ҳозирги куннинг ўткир сиёсий муаммоларини четлаб ўтиш мумкин эмас. Шуни назарда тутиб, комиссия аъзолари Устав лойиҳасига жумҳурият мустақиллигини эътиборга олувчи янги боб киритишди. У «Ўзбекистон ЛКЁИси—БЛКЁИ федерациясининг субъекти» деб номланади. У Бутуниттифоқ комсомол съездидаёқ бошланган баҳс-мунозараларнинг моҳиятини ифодалайди. Жумҳурият комсомоли иқтисодий сиёсатдаги ўзининг ҳаракатларида қанчалик мустақил? Ўзбекистон ЛКЁИ комиссияси қатнашчиларининг муштарак фикрларига кўра, у ўзининг ҳаракатномавий мақсадларини амалга ошириш учун шартномалар тузишда мустақил ҳуқуққа эга. Шунингдек, ўзининг сиёсий ва ташкилий мустақиллиги ҳуқуқини сақлаб қолади. Турмушнинг ўзи муҳокамалар давомида унга зарур бўлган ўзгартиришларни киритиб бормоқда. Масалан, муқобил Андижон лойиҳасида жумҳурият кашшофлар ташкилоти билан ҳамжиҳатликка бешта банд бағишланиши назарда тутилган. Бу ўринда уни мутлақо мустақил тузилма сифатида ажратиб чиқаришга ҳаракат қилинган. Бу Уставда ва амалий жиҳатдан кўп нарсани ўзгартиради. Комиссия аъзоларининг фикрига кўра, эндиликда кашшофлар етакчисининг ишини унинг комсомолдаги аъзолиги билан қатъий боғлаб қўйишга зарурат йўқ.

Комсомолга неча ёшдан қабул қилиш тўғрисидаги биринчи банднинг муҳокамаси принципиал муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик уни 14 ёшдан қилиб белгилашни талаб этмоқда. Чунки агар шундай қилинмаса, кўпгина мактаб ўқувчилари Шўро жамиятида ёшларнинг ўртасидаги ҳозирча энг оммавий ташкилотдан четда қоладилар.

Комиссия аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларига кўра, бунга субъектив ёндашишдан қочишга, кенг фикрларни эътиборга олишга ҳаракат қилмоқдалар. Тайёрланган ҳужжат маромига етган ҳужжат бўлмаслиги шубҳасиз. Бунга жумҳурият комсомол съезди сўнгги нуқтани қўяди. Ана шу анжуманга бўлган даврда оддий комсомолларнинг таклифларини назардан четда қолдирмасликни истардик. Шунинг учун комсомоллардан ўзларининг янги ғояларини таҳририятимизга ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига юборишларини илтимос қиламиз. Ана шу таклифларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмайди.

Александр ПУКЕМОВ.



Зеваржон Қўчқорова Амударё ноҳияси «Қипчоқ» давлат хўжалиги илғор теримчиларидан бири. У ота-онаси, ака-ука, опа-сингиллари билан биргаликда кунига 350-400 килограммдан «оқ олтин» териб тўкмоқда.

Жумабой ҚОЗОҚОВ сурати.

ДАЛАЛАРДА МАШИНАЛАР

Фарғона вилоятининг Октябрь 40 йиллиги номли давлат хўжалигида машиналар тўла қувват билан ишлай бошлади. «Ўзбекистон» бўлимида ишлаётган механик ҳайдовчилар, айниқса, намуна бўлишмоқда. Улар теримга яхши тайёрландилар: бутун техникани ремонтдан чиқариб, синаб кўрдилар. Хом ашё қуритиладиган майдончаларни, йўллар ва кўприкларни тайёрлаб қўйдилар.

Буларнинг ҳаммаси пахта тайёрлаш суръати кучайишига сабаб бўлди. Бўлимда ишлаётган тўртта машина ҳар куни 24-25 тонна пахта термоқда. Механизатор Х. Қўчқоров эса терим пешқадами бўлиб қолди. У ўз «зангори кема»си бункеридан ҳар куни қарийб 10 тонна пахта тўкмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ЯНГИ ТАШКИЛОТ

Яқиндагина жумҳуриятимиз партия ва ҳукуматининг қарорига биноан Тошкент Давлат табобат олийгоҳи икки қисмга ажратилиб, ўзига хос, мустақил 1 ва 2-табобат олийгоҳлари ташкил қилинганди. Шундан сўнг кечагина 2-Тошкент табобат олийгоҳида комсомол талаба ёшларнинг биринчи таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унинг мақсади янги билим масканида ёшлар ташкилотини барпо қилиш ва унинг келгуси режаларини тузишдан иборат эди. Янги олийгоҳда бугун тўрт мингга яқин ёш таълим олади. Уларнинг аксарияти комсомоллардир. Шуни тушунган ҳолда комсомоллар янги ташкилотга раҳбарлик қилиш учун комсомол қўмитаси сайлаш билан бирга олийгоҳдаги ишлар ва унинг ҳаёти юзасидан сўзга чиқишиб, етилган муаммолар ҳақидаги фикрларини дадил ўртага ташлашди.

Янги ташкилотга етакчи сайлаш ҳам демократик асосда ўтди. Ёшлар бу борада узоқни кўзлаб иш тутишди. Улар ўзларига етакчи этиб комсомол ишларида «суяги қотган» Бахтиёр Миразимовни (олийгоҳни шу йил тугатган) сайлашди.

Конференция қатнашчилари талабалар ҳаётидаги ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар — Шифокорлар шаҳарчасини гўзаллик масканига айлантириш, спорт комплекслари барпо қилиш ишларини тезроқ амалга ошириш кераклигини таъкидлашди. Янги ташкилот тузилди.

— Демак, ёшларимизда комсомолга ишонч бор, — дейди комсомол қўмитаси котибининг ўринбосари Шарофиддин Тўлаганов.

Конференцияда С. Раҳимов ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Шуҳрат Усмонов қатнашди. Жумҳурият талабалар анжуманига делегатлар сайланди.

Норгул АБДУРАИМОВА.

«Обуна — 91»

Мукофотга — видеомагнитофон...

— Яна қанақа видео? Яна қанақа мукофот?

Сарлавҳани ўқиган муштарий ажабланган бўлиши табиий. Ҳа, ҳайратга тушманг. Истаймизми, йўқми, шароит шуни тақозо этаётир. Илгари хабар қилганимиздек, янги йилдан бошлаб, рўзномалар обуна баҳоси ошади. Бундай хабар муштарийларимиздан ҳеч бирини лоқайд қолдираётгани йўқ. Ахир бурноғи йиллардаги обуна баҳоси билан келгуси йилники ўртасидаги фарқ оз эмас-да! 1 ойга 1 сўм, йилига 12 сўм. Аммо эслатиб ўтамиз: рўзномалар ичида энг арзони ҳам «Ёш ленинчи» бўлиб қолди. Бироқ бу дегани — «Ёш ленинчи» ўзи кўтариб чиқаётган масалалар долзарблиги даражасини сусайтиради, дегани эмас. Янги йилда ҳам рўзномамизда исталган мавзуингиздаги муаммолар акс этган чиқишларни ёритиш ниятимиз бор. «Ёш ленинчи» сизнинг энг яқин маслакдошингиз, кўмакдошингиз бўлиб қолишига мухбирларимизда кафолат, саботлилик етарли. Шундай экан, жумҳуриятимиз мустақиллигига, она тилимизнинг ҳақиқий маънода давлат тилига айланишига эришишимизда ҳисса қўшишни истасангиз «Ёш ленинчи»га обуна бўлинг. «Ёш ленинчи» бундан кейин ҳам дил сўзларингизни ифода этувчи рўзнома бўлиб қолади.

Дарвоқе, рўзномамизнинг таъсис этувчиси — Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси ҳам ўз нашрининг мавқеини ошириш мақсадида сахийлик кўрсатиш ниятида.

«Ёш ленинчи» рўзномасига 1991 йил учун обунани энг яхши ва уюшқоқлик билан ташкил этишга эришган ҳамда ўтган йилга нисбатан кўп обунани таъминлаган ноҳия комсомол қўмитасини мукофот кутмоқда. Ташкилотлардаги аъзолари сонига нисбатан энг юқори даражадаги обунани таъминлаган ноҳия комсомолига ВИДЕОМАГНИТОФОН топширилади.

Биз эса ноҳияларда «Ёш ленинчи»га обуна бориши ҳақида сизларни хабардор қилиб туришни ўз зиммамизга оламиз.

...«Ёш ленинчи» байрами

Кўкдала ва Иштихон, Боғот ва Денов, Чуст ва Хива, Жиззах ва Сирдарё, Балиқчи ва?... Юқоридаги шаҳар ва ноҳиялар номлари кўпчилик «Ёш ленинчи» мухлисларига таниш. Бу ерларда «Ёш ленинчи»нинг анъанавий байрамлари бўлиб ўтган. «Балиқчи»дан сўнгги (?) жумбоққа қараб ҳайрон бўлгандирсиз? Бу жумбоқни ечиш ҳам сиз муштарийларга боғлиқ. Рўзномамиз жамоаси шундай якдил қарорга келди:

1991 йил учун энг кўп обунани ташкил этган давлат ва жамоа хўжаликларидан учтасида «ЁШ ЛЕНИНЧИ» ЎЗ АНЪАНАВИЙ БАЙРАМИНИ ўтказади. Ғолибларни аниқлаш учун давлат ва жамоа хўжаликлари комсомол ташкилотларидан комсомол-ёшларнинг умумий сони ва «Ёш ленинчи»га обуна бўлган муштарийларнинг сони кўрсатилган ҳужжатни таҳририятимизга жўнатишингиз лозим бўлади.

«Ёш ленинчи» эса ўз ходимлари, жумҳуриятимизнинг таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшлари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига турли йилларда сазовор бўлган санъаткорлар билан сизнинг ҳузурингизга ташриф буюришга кафолат беради.

Шундай қилиб ғолибларни видеомагнитофон ва «Ёш ленинчи» байрами кутади!

Шу сонга хабар

«Янги ҳаёт»дан баҳраманд бўлинг

МУҲТАРАМ ЁШЛАР! Араб имлосида савод чиқариб, кундалик ўқиш учун бу имлода бирор-бир оммавий нашр йўқ, деб асло қайғурманг. «Янги ҳаёт»га обуна бўлинг!

Араб имлосида, Олмаота шаҳрида ҳафтасига уч марта нашрдан чиқаётган рўзномада кундалик ҳаётимизнинг турли жабҳаларига оид мақолалар қаторида ёшлар ижодига ҳам кенг ўрин ажратилади. Ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалалари хусусида қатор суҳбатлар уюштирилади. «Туркий халқлар тарихидан» ойнасўзи остида атоқли хорижий олимлар ва ёзувчиларнинг асарлари эълон қилинади.

Рўзномада араб имлосида савод чиқариб, туркийда ўқиш иштиёқида бўлганлар учун «Дарси мукаммал» ташкил қилинади. Сиз келгуси йилги саҳифаларимизда Шарқ шеъриятининг мумтозлари — Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Машраб, Низорий, Залмий ва Аҳмад Яссавий каби устозларнинг ижодларидан баҳраманд бўлгайсиз.

Рўзнома таҳрир ҳайъати келгуси йилда Ислом динининг иқтидорли йирик намояндалари ёрдамида фарзанд тарбияси, ахлоқ ва одоб бобида қатор суҳбатлар уюштирмоқ, шунингдек, Қуръони каримнинг Шарқий Туркистонда чоп қилинган нусхасидан парчалар эълон қилмоқ ниятидадир.

Рўзномага бир йилга муштарий бўлиш баҳоси 6 сўм 24 тийин. Индекси 65359.

Муҳаммад ҲАМРОЕВ,
«Янги ҳаёт»нинг жамоатчи мухбири.

Германия бирлашди

БЕРЛИН, 3 октябрь. (СИТА мухбири). Берлин шаҳрининг ҳар икки қисмидан келган ёш спортчилар Рейхстаг биноси олдидаги байроқ қадаладиган ерга Германия Федератив Жумҳуриятининг жуда катта давлат байроғини олиб келадилар. ГФЖ Президенти Р. Фон Вайцзеккер, Федерал канцлер Г. Коль, ташқи ишлар вазири Г.—Д. Геншер, Германия социал-демократик фирқасининг фахрий раиси В. Брандт, бошқа атоқли сиёсий арбоблар фахрий минбарга чиқадилар. Қоқ ярим тунда давлат мадҳиясининг садолари остида Германия Федератив Жумҳуриятининг байроғи прожекторлар шуъласида товланиб, Рейхстаг биноси олдидаги махсус ерга ўрнатилади. Худди шу дамда немис соҳилларидан узоқда бўлган ГДЖнинг юзлаб денгиз кемаларида ҳам байроқлар алмаштирилди. Р. Фон Вайцзеккер тўпланганларга қарата нутқ сўзлайди. Йиғилганлар унинг нутқини табрик сўзлари ва зўр қувонч билан кутиб оладилар. Тарихий воқеа содир бўлди — шу дақиқадан бошлаб ягона Герман давлати вужудга келди.

Мавжудани кўрган борми?



Жумҳурият ички ишлар идоралари томонидан 1967 йилда Уш шаҳрида туғилган ва Наманган шаҳрида яшаётган Мавжуда Муҳаммаджоновна Тожибоева қидирилмоқда. У 1990 йил 4 август куни дом-дараксиз йўқолган.

Белгилари: бўйи 162-165 см, гавдаси ўртача, сочи узун қора, юқори жағида олтита тилла тиши бор, бўйнида марварид мунчоқ, қулоғида ҳалқасимон балдоғ, қўлида оч жигарранг аёллар сумкаси бўлган, бўйнида кичкина холи бор.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
Жумҳурият Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими, милиция капитани.



Андижон шаҳар Парковой кўчаси 78 «а»-уйда яшовчи 15 ёшли ўсмир Исроилжон Эргашев шу йилнинг 16 июлида уйидан чиқиб кетганча, ҳали ҳам қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи тахминан 120 см. Юзи думалоқдан келган, кўзлари тимқора, катта. Устида фақат кўк рангли иштони бўлган. Ўзи ҳақида маълумот беролмайди.

Исроилжонни кўрган, билган ўртоқлар бўлса илтимос, ўзларингизга яқин жойлардаги ички ишлар бўлимларига хабар қилсангиз.

ЎзССЖ Ички ишлар вазирлиги жиноят-қидирув бошқармаси.

Фан сари юриш — мактабдан бошланади

Тошкентдаги 113-ва 140-мактабларнинг Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси электроника илмгоҳи ҳузуридаги «Электрон» ўқув-илмий маркази уч йилдан буён ишлаб турибди. Бу йил ушбу марказни дастлабки ўқувчилар битирдилар. 48 ўқувчидан 35 нафари кириш имтиҳонларисиз ТошДД ва ТошПИ талабалари бўлишди. Ҳозир ўнинчи синфларга ўқувчилар қабул қилиш тугалланмоқда.

Марказни ташкил этишга кўпгина ташкилотлар ўз ҳиссасини қўшган. Булар — Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, ЛКЁИ Марказий қўмитаси, Тошкент дорилфунуни ва политехника илмгоҳи, Куйбишев ноҳия халқ таълими бўлимидир. Бу ишдан кўзда тутилган мақсад тўғрисида электроника илмгоҳининг директори, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси У. РАСУЛЕВ ҳикоя қилади:

— Маълумки, мутахассислар тайёрлаш ишида олий ўқув юрти берадиган маълумот даражаси билан жумҳурият Фанлар академияси илмий муассасаларининг талаблари ўртасида жиддий узилиш вужудга келган. Дипломли мутахассисни ишга қабул қилиб, биз уни қайта тайёрлаш учун вақт сарфлабгина қолмай, шу билан бирга бизнинг куч-ғайратимиз одам муваффақиятли тугайвермасди. Шу муаммони ҳал этиш учун академиянинг кўпгина илмгоҳларида бўлгани каби бизнинг илмгоҳимизда ҳам олий ўқув юртлари кафедраларининг филиаллари ташкил этилди. Бизда — булар Тошкент дорилфунунининг физика электроникаси ва квант радиоэлектроникаси кафедралари, политехника илмгоҳининг физика электроникаси кафедрасидир. Натижада бизнинг ўқув илмгоҳлар талабалари ва муаллимлари билан алоқаларимиз яхшиланди. Лекин, ҳар қалай, биз одамни катта фан учун илгарироқ, мактаб ёшидан тайёрлай бошлаш кераклигини ҳис этардик.

Шу тариқа мактаб, олий ўқув юрти ва академия илмгоҳидан иборат марказ ташкил этиш ғояси пайдо бўлди.

... Биз Галина Ивановна Рожкованинг дарсига кирдик. У марказда ўқишлар рус тилида олиб бориладиган тажриба синфларида дарс беради. Адолат юзасидан шуни айтиш лозимки, бу ғоя кўп жиҳатдан унинг ташаббускорлиги, мактаб таълимининг янги шаклларини муттасил излаши туфайли рўёбга чиқди.

Дарс ниҳоятда тиғиз ўтди. Унда «Бекорчи» ўқувчи йўқ, ҳамма ўқитувчи билан бирга ишлаяпти. Навбатдаги мавзу таянч-мазмун конспекти деб аталувчи дафтар асосида ўзлаштирилмоқда — бу Галина Ивановна ўйлаб топган янгиликлардан бирдир. Унда сўзлар ҳам, асосан — формулалар ва графиклар чизилган. Физика бўйича бутун бошли тема атиги бир варақ қоғозга сиғган. Шундай дақиқалар бўладики, бунда синф ўқувчиларининг бир йўла ярми ўқитувчи вазифасини бажариб, қолганларга ўтилган материални тушунтирди. Кейин болалар ролини алмашишди... ва ҳамма нарса яна такрорланди.

— Бу ердаги физика дарсларини билан аввалги мактабингиздаги дарслар ўртасида қандай фарқ бор? — деб сўрадим ўқувчи қизларнинг биридан.

— Биринчидан, бу ерда анча қизиқарлироқ. Иккинчидан, мен дарсдан янги мавзуни тўла ўзлаштириб чиқаман. Уйда эса фақат қўшимча ишларни бажараман.

Бу синфда шаҳардаги турли мактаблардан физика ва математика бўйича «пешқадамлари» тўпланган. Улар ўз синфларида кўпинча зерикиб қолишларига тўғри келгани ҳам тушунарли. Бу ерда талаблар анча кучлироқ, демак зерикишга вақт йўқ, билим даражаси ҳам ошиб бораяпти.

— Болаларни электроника илмгоҳида ўтказиладиган суҳбатдан кейингина қабул қиляпмиз, — дейди муаллима. — Кўпчилик болалар бу ерга кетишга қарор қилишидан олдин менинг дарсларимга кириб кўришди.

Марказдаги ўқиш оддий мактаблардагидан анча фарқ қилади. Юқори синф ўқувчилари курс ишлари ёзишади, уларни ҳимоя қилишади. Улар ҳузурига олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари маслаҳат бериш учун келиб туришади. Бу ерда ўқий бошлаганига иккинчи йил бўлган ҳар бир ўқувчи электроника илмгоҳига кириш учун доимий рухсатнома олади.

— Ўқувчиларга лаборантлик кўникмаларини ҳосил қилиш имконини бераяпмиз, — дейди марказ директори Ф. Умаров. — Улар «вакуум техникаси», радиоэлектроника, фотолабораторияда, кутубхоначилик иши мавзуларини ўрганишмоқда. Бундан ташқари ўқувчиларга мураббийлар бириктириб қўйилган бўлиб, улар болаларни компьютер техникаси билан, илмий-тадқиқот ишининг йўналишлари билан таништирадилар.

— Биз доимо иқтидорли болаларни қидирамиз, — дейди марказ илмий мудири назариётчи физик В. Ферлегер. — Шуни эътироф этиш кераки, марказимизда ўқишни истовчилар кўп эмас, чунки талаблар катта, буни ҳамма ҳам эплай олмайди. Лекин биз ишончимиз комилки, бундай шакли кўнгилдагидек янги илмий ходимлар тайёрлаш имконини беришига ишонч ҳосил қилдик. Кўпгина ходимларимиз болалар билан шуғулланмоқдалар. Ҳозир биз болаларга физика билан математикадан ташқари инглиз тилини, чунончи соф илмий йўналишда жиддийроқ ўргатиш муҳим деган хулосага келдик.

«Электрониканинг олдида аввал бошданоқ муаммолар кўп эди, бундан кейин ҳам оз бўлмаса керак... Масалан, ўқишлар ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар учун физика ва математикадан кучли ўқитувчилар топа олмадик. Бу ишга илмгоҳ ходимлари — фан номзодлари Р. Қурбонов билан А. Жўрахоловни жалб этдик. Яна бир қийинчилик шундаки, бу синфларни болалар билан тўлдириш мушкул. Физика-техника касбларининг обрўси тушиб кетганлиги ўз таъсирини кўрсатаяпти. Мана, ўқишлар ўзбек тилида олиб бориладиган синф ҳануз тўлгани йўқ.


Ва ниҳоят охиргиси: марказ раҳбарларининг илтимосига кўра, уларнинг илм йўлидан боришини, чуқур техник маълумот олишини орзу қилувчи юқори синф ўқувчиларига мурожаатини етказиб, шуни айтмоқчиманки, «Электрон» ўқув-илмий маркази улар учун шундай имконият яратиб беради.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Пойтахтдаги 273-мактабда ўқувчиларни шифокор, педагог касбларига тайёрловчи тажриба синфлари очилди. Бу ерда ўрта умумий таълим сабоқлари билан бирга абитуриентларнинг олий ўқув даргоҳларига (тиббиёт, педагогика, техника) киришида қўл келувчи фанлардан ҳам чуқурлаштирилган дарс соатлари ўтилмоқда.

Махсус фанлар — улардан практик машғулотлар ҳам бақамти олиб борилаяпти. Устозлар сафига эса Тошкент тиббиёт — педиатрия ҳамда 2-Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳлари, Ленин номидаги ва Крупская номидаги пойтахт педагогика билим юртлари, 25-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчилари ҳам қўшилдилар.

Киров ноҳия халқ таълими бўлими эса мазкур ўқув даргоҳлари билан ҳамкорлик шартномасини имзолаганлар. Тажриба синфларига танлов йўли билан ўқувчилар қабул қилинган.



СУРАТДА: 2-Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи ассистенти А. Қурбонов 10-тиббиёт синфида машғулот ўтмоқда.

Суратчи Р. ШАМСУТДИНОВ. (ЎзТАГ).

Янги нашрлар

«Хоразм» хабарномаси

Хоразм! Бир вақтлари шуҳрати дунёга ёйилган бу Ватаннинг бугунги қисмати нақадар даҳшатли эканини жаҳон билади. Орол фожиаси деб тан олинган фалокат Хоразмда ҳаёт қоладими ё йўқми, деган ҳақиқатни ўртага қўйди. Бу фожианинг олдини олиш, Хоразмда ҳаётни сақлаб қолиш учун халқ ўзлигини танимоғи керак. Аслини билмаган, тарихидан бехабар одам ўзлигига бегона ва гумроҳдир.

Бир замонлар тўфонлару бўхтонлар тортган қора парда ортида қолган она тарихимизни тиклашга киришдик. Яқинда вилоят ўлкашунослик жамияти томонидан чиқарилган «Хоразм» хабарномаси бу соҳадаги қилинажак серқирра ишларнинг илк қадамидир.

Янги рўзнома қадимий Хоразм ва унинг халқи тарихи ҳақида машҳур алломалар, тарихчилар, адибларнинг жуда кўп муштарийларга номаълум асарларини чоп этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Биз хабарноманинг илк сонидаги ранг-баранг қизиқарли мақолаларни мутолаа қилиб, нашр жонкуярларининг мақсади ниҳоятда холис ва фойдали эканлигини ҳис қилдик.

Ҳақиқатан ҳам қадимий Хоразм боғларини, ҳовузларини, кўл ва ўрмонларини қайта тиклаш ҳаммамизнинг бурчи. Келгуси авлод биздан ранжимасин. Хоразмни севувчи, фидойи фарзандлари бу ишда мададкор бўлишлари керак.

— Ўз юртини жонидан ортиқ севмаган ва ардоқламаган киши ҳеч қачон чин ватанпарвар бўлолмайди, — дейди вилоят ўлкашунослик жамияти кенгаши раиси ва «Хоразм» хабарномаси муҳаррири Неъмат Салоев. — Бизнинг мақсадимиз илгари йўл қўйилган хатоликларни тугатиш ҳамда фарзандларимизни ўзи яшаб турган шу заминнинг бебаҳо бой-маданиятидан воқиф қилиш, қалбида улуғ аждодларимизга нисбатан фахрланиш ҳиссини уйғотиш ҳамда ана шу ноёб асарларни келгуси авлодга етказишдир.

«Хоразм» хабарномасини ўқиб, улуғ мақсадни тушунган ҳар бир олижаноб инсон қалбидан ёрдам бериш нияти туғилса, ўз маблағини қуйидаги манзилгоҳга жўнатишини илтимос қиламиз: **Урганч шаҳри. Турар-жой ижтимоий банки. Ҳисоб № 700077. Хоразм ўлкашунослик жамияти.**

Жумҳурият янгиликлари

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг далаларида дон экила бошланди.

Денгиз сатҳидан бир ярим минг метр баландликда жойлашган «Коммунист» давлат хўжалиги далаларида дон экинлари экила бошланди. Бир йил давомида дам олган 1300 гектар ерга уруғлик сепилади. Бунинг натижасида ҳар гектар ердан 3-4 центнерга қадар қўшимча ҳосил олиш кутилмоқда.

Эндиликда хўжаликнинг ғалла майдонлари ижара жамоаларига бутунлай бериб қўйилди ва у мустақил тармоққа айланди. Ғаллакорлар буғдойнинг ноҳиялаштирилган «Сурҳок» навини афзал кўришмоқда. Ундан лалмикор ерларда гектаридан ўн центнер ва ундан кўпроқ ҳосил олиш мумкин. Ижара асосида минг гектар ерга ишлов берган Н. Юсупов бригадаси бу йил ёзда шунча ҳосил олди. Жамоада ижарага ўтилгунига қадар бўлганига нисбатан икки баравар кам — атиги беш киши ишлайди. Уларнинг ҳар бири механизаторлик касбини эгаллаган.

Энди навбат арпага келди. Арпа экиш учун 600 гектарли тоғлик ер ажратилган, «Унумли арпа» навининг уруғлиги тайёрлаб қўйилган.

Тоғликлар қадимдан лалмикор ерларгагина ғалла экишган. Энди эса биринчи марта суғориладиган ерларга ғалла экилади. Тоғ дарёси — Қизил дарё 200 гектар ерга сув беради. Ижарачилар 1,5 километр узунликдаги қувурга сув чиқариб бера оладиган иккита кучли насос сотиб олдилар.

Қашқадарё тоғли ноҳиялари деҳқонларидан сўнг қўриқ ғаллакорлари ҳам экиш ишларига киришадилар. Бу йил вилоят ғаллазорлари пахта майдонларини қисқартириш ҳисобидан тўрт минг гектар кўпаяди. Жами 240 минг гектар майдонга бошоқли экинлар уруғлигини сепиш мўлжалланган.

* * *

ПАХТАОБОД ноҳиясидаги далалар ва фермаларнинг меҳнаткаш аёллари эндиликда қиш тараддудини кўриб, ўз уйларида мева ва сабзавотлардан консерва тайёрлашлари учун зарурат қолмади. Ноҳия матлубот жамияти ҳузурида бунёд этилган чоғроқ консерва цехининг жамоаси бу юмушни ўз зиммасига олди.

Цехда бир иш сменасида ўн хил — 5,7 минг шартли банкадан кўпроқ консерва тайёрланади. Консервачилар шу йилнинг охиригача 70 тоннадан ортиқ мева ва сабзавотни қайта ишлаш ҳамда 300 минг банкага яқин консерва чиқариш мажбуриятини олдилар.

Кичик завод ишга туширилган дастлабки кунларданоқ унинг шифобахш маҳсулотлари савдога чиқарилмоқда: 14 та кўчма дўкон ёрдамида дала шийпонлари ва фермаларида сотилмоқда, заводнинг маҳсулотлари ширкатчилар ноҳиядаги ҳамда Пахтаобод шаҳридаги жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларининг барча марказий қўрғонларида ташкил этган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазма савдоси дўконлари пештахталарида ҳам бор.

(ЎзТАГ).

Нуқтаи назар

НЕГА БИЗ ТИЛАНИБ ОЛАМИЗ?

Ўша куни купеда суҳбат, мунозара қизғин бўлди. Аслида бўлмадаги биз, уч йўловчининг суҳбат қуришга у қадар ҳафсаламиз йўқ эди. Аранг судралиб, тошбақа юриш қилиб кетаётган эски поезднинг рутубат ҳиди келадиган, шалағи чиққан вагонида кетиш кўнгилсиз эди. Бунинг устига бўлма деразаси синган, ўрнидаги қалин қоғоз кечаси эсган изғирин шамолдан бизни асрай олгани йўқ, уйқу ўзига яраша бўлган эди.

— Нега Ўрта Осиё темир йўлида фақат мана шундай, бесон, шалоқ поездлар юради, а, — деб нолиди термизлик талаба. — Киев, Минск, Болтиқбўйи йўлларида бундай поездларни сира учратмайсиз.

Ҳеч ким бу саволга жавоб қайтаришни ўзига эп кўрмади. Аммо, қайсики радиода (хайрият, шу матоҳ вагонда ишлар экан) бир депутатнинг суҳбати берилди-ю, ҳаммамиз гапга тушиб кетдик. Гап шундаки, радиодан гапирган ўртоқнинг айтишича, СССР халқ депутатларимизнинг бир гуруҳи фарғоналиклар учун ўзларидан чиқариладиган шулханинг бир қисмини ўзларида қолдириш учун Москвадаги қанча идораларда сарсон бўлишибди. Бировнинг эмас, ўзлари чиқарадиган шулханинг бир қисмига эга бўлиш учун-а.

— Нега биз тиланчимиз мунча, — деди талаба йигит, — ўзимизнинг заводлардан чиқадиган шулхани ундириш наҳотки шунчалар машаққат бўлса. Мустақил жумҳурият, деганлари номигагина экан-да? Қачон биз бу тиланчиликдан қутиламиз?

— Э, ошна — деди соҳаси иқтисодчи бўлган Шавкат Олимов деган ёш олим, — токи биз жумҳурият қонунларига айрим тузатишлар киритмас эканмиз, аҳволимиз шу — тиланчилик бўлиб қолаберади.

— Қанақа қонунлар... масалан? — деб сўрадим мен.

— Янги Парламентимиз аъзолари ерости ва ерусти табиий бойликларимизни мутлақ шу жумҳурият бойлиги деб қонунлаштириши лозим. Иккинчи навбатда давлат буюртмалари бекор қилиниб, қўшни жумҳуриятлар билан тенг манфаатли шартнома асосида савдога ўтиш. Кейин Москвага бўйсунувчи кўплаб идоралар, завод-фабрикалар, ташкилотлар ҳақида жумҳуриятимиз ўз қонунларини ишлаб чиқиши керак. Ёки улар жумҳуриятимизга бўйсундирилиши ёки бу ердан кўчириб юборилиши керак. Иттифоққа бўйсунувчи бу вазирликлар энг катта ўғрилардир, улар жумҳуриятимиз ҳукуматидан сўрамай-нетмай, истаган ишларини қилиб, қанча-дан-қанча моддий зарарлар келтиришди.

— Янги сайланган депутатларимизни бу масалаларда ақли етади, деб ўйлайсизми? — деб сўради талаба.

— Ҳарқалай, бу сайлов бир қадар адолатли ўтди. Аммо сайланганлар орасида эскича фикрловчилар кўп, — деди олим.

— Нега? Улар қонунларни ўзгартириш ҳақида эмас, ҳукуматдан бирон нарсани сайланган жойи учун ундиришни ўйлайдилар. Ҳукуматнинг ўзи кўп нарсага муҳтож. Нега муҳтож — бунинг бош сабабини юқорида айтдим. Сўраб олишимиз учун ҳукуматимизни бой қиладиган қонунлар қабул қилишимиз керак. Ҳа, яна бир гап — сайлов ҳақидаги қонунларимиз мукаммал эмас.

— Масалан, — деб сўрадим мен.

— Биласизми, нега Литва ёки Эстонияда сайловчи учун ўша ерда неча йилдан бери яшаганлигини ҳисобга олади, уч ёки беш йил, сайланиши учун ўн йилни белгилашди? Гап шундаки, жумҳуриятга кўчиб келган бегона киши бу ердаги муаммолардан бехабар бўлса, у ҳолда ундан нимани ҳам кутиш мумкин? Ёки ҳарбийлар масаласини олинг. Улар хизматини ўтаб кетишади. Аммо биз билан теппа-тенг бўлиб, жумҳуриятимиз тақдирини ҳал қиладиган депутат сайлашга маънавий ҳақлари борми? Болтиқбўйи тажрибалари бунинг аксини кўрсатди. Ёки Иттифоққа бўйсунувчи маҳкамалар, идоралар, завод ва фабрикаларда деярли тўқсон фоиз кўчириб келинган бошқа миллат вакиллари ишлашади. Улар албатта, жумҳурият манфаатларини эмас, ўз манфаатлари нуқтаи назаридан фикр юритадилар ёки сайлайдилар. Шунинг учун уларнинг сайловчилик ҳуқуқларини чекламай, асл ватанларида сайловчилик бурчларини ўташларига ёрдамлашиш керак. Масалан, Эстонияда шундай қилинди. Яъни, четда хизмат қиладиган эстон йигитлари ўз жумҳуриятлари учун овоз бердилар. Бу нарса уларнинг сайлов қонунларида кўрсатилган.

— Бу гапларингизни миллатчиликка буришади-ку, — деди талаба йигит.

— Тарихдан маълумки, Бухоро халқ жумҳурияти, Хоразм халқ жумҳурияти ва Туркистон халқ жумҳуриятлари Москвага бўйсунмаган ҳолда Россия билан ана шундай шартномалар тузишган. Ленин бу шартномаларни маъқуллаган.

— Хўп, ер ҳақидаги қонунга муносабатингиз қандай?

— Фермерликни жорий этиш керак. Фақат бу босқичма-босқич олиб борилса. Энг аввало, ҳукумат якка хўжаликларга қандай тарзда ёрдам кўрсата олиши дастурамали ишлаб чиқарилиши керак.

— Айтинг-чи, нега кўпчилик якка хўжаликка қарши чиқмоқдалар? — дедим мен.

— Нега дейсизми? Эътибор берсангиз, сессияда қарши овоз бераётганларнинг кўпчилиги жамоа ёки давлат хўжаликлари директорлари, мансабдор шахслар. Чунки, улар келадиган текин фойдадан маҳрум бўлишади. Якка хўжаликка на райком, на комсомол, на раис, на милиция, на халқ назорати, ҳеч ким хўжайин бўлолмайди. Фақат деҳқон жиноят қилса, қонун олдида жавоб беради, холос. Хуллас, яхши биласизки, бизнинг мамлакатимизда ҳар олти-етти кишиға бир бошлиқ тўғри келади. Бу катта шармандалик.

Иқтисодчи олим жим қолди. Назаримда, унинг гаплари кўп эди-ю, аммо манзилига — Қаршига яқинлашиб қолгани учун тушишга ҳозирлик кўра бошлади.

Мен эса ўша куни бошқа бир воқеани эслаб ўтирдим. Гап шундаки, ўтган йили Эстонияга сафар қилган эдим. Бир неча ноҳия, қишлоқларда, хуторларда бўлдим. Айниқса, Рапла ноҳиясидаги «Валту» жамоа хўжалиги ишлари менда катта таассурот қолдирган эди. Хўжаликда оддий деҳқон тўрт юз, беш юз сўм ойлик оларкан. Раис эса уч юз саксон беш сўм. Мен аввалига ишонмай, ҳисобхонадагилардан керакли рўйхатни сўрадим. Кўрсатишди. Рост экан. Энди сиз менга айтинг-чи, бизда шундай раислар борми, деҳқонлардан паст маош оладиган? Бу — масаланинг бир томони. Хўш, бу хўжаликда иқтисодий юксалишнинг сабаблари қаерда? Жамоа хўжалиги майдони тошлоқ ва ўрмон жойлар экан. Бу ерда картошка, турли хил полиз экинлари етиштирилар экан. Ноҳия миқёсида етказиб берувчи юксак сифатли пиво цехи мавжуд экан. «Биз давлат буюртмасидан воз кечганмиз», — дейди раис. — Мабодо ҳукумат биздан қилинган харжимиздан юқори тўласа, марҳамат, сотамиз, йўқса, шартнома билан бошқа корхоналарга ёки ширкатларга топширамиз». Мен, ноҳия раҳбарлари бу ишингизга қандай қарайди, десам, у қўл силтади: «Э, менга ўн марта танбеҳ беришди. Нима бўпти?». «Ишдан олишмадими?», десам, кулди. «Бизда жамоа хўжаликлари раислари ва давлат хўжаликлари директорларининг кенгаши тузилган. Фақат шу кенгаш қарори билан муаммоларни ҳал қиламиз».

Раиснинг айтишича, жамоа хўжалиги ўзлари етиштирадиган маҳсулотларнинг бир қисмини олиб, аввало, шу ер аҳолисини таъминлашар экан. Бу кўрсаткич ҳам статистика маълумотларига ўтказилар экан.

Мен хўжалик идорасида бегона миллат вакилларини учратдим. «Булар шаҳардан келишган, мавсумий ишчилар, — деди раис. — Бир ойлик шартнома асосида далаларни тошлардан тозалашади, ҳар хил майда-чуйда ишларни бажаришади. Ана кўринг, қанчадан ойлик олишади?» Мен кузатиб турдим. Улардан бири, таллинлик рус аёли бўлиб, кўз ўнгимда олти юз сўм иш ҳақи олди. «Бу ерда қанча ишладингиз?» деб сўрадим ундан. «Бир ойга яқин», — деб жавоб қилди у. «Нима ишлар қилдингиз?». «Далага гўнг ташидик, тош тердик», — деб жавоб қилди у.

Яна бир гап. Идорада жамоа хўжалигининг кўп тиражли рўзномасини кўрдим. Бизнинг жумҳурият рўзномаларидан сифати анча яхши. Рангли суратлар билан босилади. Менга эсдалик учун иккита сонини беришди.

Уни варақлайман. «Уларда кўпроқ шу жамоадаги қишлоқларнинг тарихи, урф-одатлари, иқтисодий, аҳволи ҳақида ёзилган», — дейди ҳамроҳим, ёзувчи Андрес Эхин. Биз шундан сўнг ёпиқ ва очиқ бассейнлар, эшик-ром ясайдиган цехларни томоша қилдик, мактаб ҳовлисига кирдик, черковларда бўлдик. Посёлкани томоша қилиш шу қадар кўнгилли эдики... «Яна нимани истайди бу раис», деб ўйладим ўзимча.

«— Фермерликка ўтамиз, — деди у. — Эстониянинг бир неча жойларида фермерлик ташкил этилган. Биласизми, маҳсулот сифати ҳам, унумдорлик ҳам, иқтисод ҳам ўн баравар ўсади. Муҳими, фермерларга ҳукумат қандай ёрдам қилиши кераклиги ҳақида аниқ тадбирлар белгилаши керак. Ана унда текинхўр раҳбар ҳам бўлмайди, деҳқон ўз-ўзига хўжайин бўлади».

«— Сиз нима дейсиз? Ўзбекистонда бу нарсани амалга ошириш мумкинми?» — деб сўрадим у кишидан.

«— Ўзбекистонда инқилобдан аввал фермерлар бўлганку. Ҳосил яхши ва сифатли олинган. Бундан хабарим бор. Чунки, Ўрта осиёликлар Финляндияда, Германияда, Болтиқбўйи шаҳарларида пахта ширкати ваколатхоналарини очганлар».

«— Унда, киши кишини эзиши, эксплуатация қилиши, деган гаплар-чи», — дедим.

«— Мана, мен яқинда Швецияда бўлдим. У ерда фермерлар мамлакатга керагидан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришади. У ерда капитализм йўқ. Социализм ҳам. Аниқроғи, коммунизм экан деб ўйлайсиз. Ҳеч ким бир-бирини эксплуатация қилаётгани йўқ. Финляндияда ҳам шу ҳолни кўрдим».

Раис билан хайрлашиб, йўлга тушдик. Теварак-атрофга кўз югуртираман. Одамларнинг уйлари шу қадар чиройли, кўркам, муҳташамки, қўяберасиз. Бизда бундай уй қурган киши дарҳол терговга чақирилиши турган гап. Йўл-йўлакай бир мактабга кирдик. Олти яшар болалар учун томоша-ўқув бўлаётган экан. Қишлоқ жойда шу қадар шарт-шароитлар яратилганига ишонгинг келмайди. Болаларнинг кийимбошларига қарайман. Худди бугун дўкондан сотиб олингандек, ярашиқли, тоза, чиройли. Мен бошқа хўжаликларда ҳам одамларнинг ҳаёт тарзи анча мазмунли эканлигини кўрдим. Аммо кўнглимда, гарчи рўйхатда кўрсам ҳам, бир нарсага, оддий деҳқоннинг тўрт юз-беш юз сўм маош олишига андак шубҳа билан қарадим.

Лекин, орадан уч кун ўтиб, бир ўзбек йигити билан танишдиму, бу шубҳам барҳам топди. Тошкентга қайтаётган куним эди. Андрес хотини Ли Сеппель билан мени тайёрагоҳга кузатиб қўйишди. Тайёрага яқинлашар пайтим бир ўзбек йигити одоб билан салом берди, Таллиндан олинган тўрхалтадаги китобларимни кўтариб, ёрдамлашди. Мен эса бу йигитни қаерда кўрган эканман, деб ўйладим. Эслай олмадим. «Бу ерда нима қилиб юрибсиз?», дедим унга. «Шундай, ўзим», — деди у кулимсираб.

Хуллас, у йигит билан тайёра ичида танишдим. Абдурасул Пўлатов асли андижонлик, Хўжаободнинг Байналмилал қишлоғидан экан. Таллинга ўқишга келиб, кира олмабди. Кейин, шаҳарда ўрнашиб, заводда ишлабди. Бу ерда ўзи билан ишлайдиган бир эстон қизига уйланиб ҳам олибди.

— Бир йилча Таллинда яшадик, — деди у. — Анча қийналдик. Кейин хотиним Эста айтдики, юринг бизнинг хўжаликка. Ёқса, яшаб қоламиз. Раквере деганлари Таллинндан олтмиш чақиримча бор. «Виру» жамоа хўжалигининг раиси Тоомас Варек мени илиқ қарши олди. «Нима касбинг бор?», — деди. «Тракторчилик қўлимдан келади», дедим. Илгари Мирзачўлда, Хўжаободда тракторчилик қилганлигимни айтдим. Хуллас, бизга уч хоналик замонавий бошпана беришди. Хорижники. Нимасини айтай, роҳатижон. Мана, тўрт йил бўлди, яшаяпмиз. Хотиним оператор.

— Қанча ойлик оласиз, — дедим.

— Тўрт юз-беш юз. Мавсумда олти юз сўм. Хотиним уч-тўрт юз сўм олади. Мана, икки йил ичида «Жигули» машинаси ҳам олдик. Келсангиз, денгиз томонларга айлантираман, ака.

— Фарзандлар борми?

— Албатта. Ўғлимнинг оти Рашидбек, қизимнинг оти Маарика. Ҳали улар жуда ёш.

— Ўзбек тилини билишадими?

— Ҳозир ёшлари уч-тўртда. Сал катта бўлишсин, кейин ёз пайтлари Андижонга олиб бориб қўяман. Ўзбек тилини ўрганишади.

— Юртга қайтгингиз келмайдими?

— Хотиним айтадики, қачон юр, кетдик, десангиз бўлди. Кетамиз дейди.

— Эста билан қайси тилда гаплашасиз?

— Авваллари рус тилида гаплашар эдик. Энди эстон тилида бемалол гапираман. Рўзномаларини ҳам ўқийман. Иштиёқ бўлса, ўрганиш қийин эмас экан.

Абдурасул бир пас жим қолди.

— Андижонга кетгим келади. Аммо шу, Таллиндаги институтга кириб, кейин бораман, деб ўзимга сўз берган эдим. Кейин биласиз, қишлоқда иш йўқ. Иқтисод масалалари ҳам чатоқ. Бу ерда даромад яхши.

У яна жим қолди. Кейин қимтиниб менга қаради.

— Сиздан бир гап сўрасам, майлими, ака?

— Сўранг.

— Синглим хат ёзибди-ки, бизда совун топилмайди деб. Шу гап ростми?

— Ҳа, совун тақчил бўлиб қолган.

— Бу гапга сира ишонгим келмади. Ҳар эҳтимолга қарши деб, йигирма кило совун элтаяпман.

— Яхши қилибсиз, — дедим.

— Яна эллик килоча гўшт элтаяпман.

— Йўғ-э, — дедим энди мен ишонгим келмай.

— Энди, ўзингиз биласиз, водийда гўшт қиммат. Ҳар гал борганимда гўшт олиб бораман.

Ўша куни Абдурасул билан кўп нарсалар ҳақида гаплашдик: иқтисод, сиёсат, оила ва ҳоказолар. Унинг гапига қараганда, Эстония билан Ўзбекистонда ҳаёт тарзи ер билан осмонча фарқ қилади. Хўжаободда эртадан кечгача қора тер тўкиб, арзимас иш ҳақи олар эдим. Тағин, қанча дўқ-пўписа, қанча ортиқча гапларни эшитиш.... Бу ерда тракторни тўхтатиб қўй... ўтир.. ҳеч ким гапирмайди. Агроном келиб, фақат нима камчилик бор деб сўрайди, холос. Тракторда ёнилғи тугаган бўлса, рация орқали хабар қиламан. Дарҳол етказишади. Хўжалик ишидан ташқари, ўзимнинг томорқамда ҳам ишлайман. Ярим гектар ер беришган. Картошка экканман. Шартнома билан хўжалик ёки ширкатга сотаман, — дейди у. — Хуллас, хўжайин ўзинг. Биздагидек, табелчи, бригадир, бўлим бошлиғи, деган гаплар йўқ. Фақат агроном-диспетчер бор, холос.

— Нима ишлар қиласиз?

— Шудгор қиламан, экаман, культивация, силос қилиш...

— Абдурасул, ростини айтинг, Ўзбекистонга чиндан қайтиб борасизми?

— Албатта, ака. Ҳеч бўлмаганда, бу ерда кўрган-билганларимни Ўзбекистонда ҳам амалга ошиши учун курашсам дейман.

— Унда ишни нимадан бошлаган бўлардингиз?

— Энг аввало, Ўзбекистон қонунлар орқали иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлиши керак. Бунинг учун Олий Шўро қатор қонунлар қабул қилиши керак. Йўқса, қозиқ атрофида айланган отга ўхшаб, олдинга силжиш бўлмайди.

Абдурасулнинг гаплари менга маъқул кўринди. У билан учрашганимизга бир йил бўлай деб қолди. Қарангки, Абдурасулнинг гапларини купедаги ҳамроҳим, иқтисодчи олим ҳам такрорлаяпти. Хайрият — дейман шунисига ҳам шукур. Лекин, ҳали кўпчилик мана шу олим қатори фикр юрита оладими?

Нодир НОРМАТОВ.

УМИД ЙЎЛДОШИ УНИНГ

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ

Ҳамма нафасини ичига ютганча кузатарди. Старшина шундай тез ҳаракат қилдики, душман отишма билан овора бўлиб ёнаётган машинага эътибор қилмасди. Техника жарга қулашига бир метрлар чамаси масофа қолувди. Разинский сакраб ўзини ерга отди.

Йўл очилди. Фурсатдан фойдаланиб, жангчилар ҳужумга ўтишди. Буни кутмаган ёв бир муддат қаршилик кўрсатолмай қолди. Колонна ҳаракатга келди. Мухолиф кучлар энди дуч келган техникани нишонга ола бошладилар. Кўп ўқ текканидан «ЗИЛ-131» машинаси ғилдиракларининг дами чиқиб кетди. Шатакка олувчи техника унга ёрдамлашамаи, деб, очиқ ерга чиқиб олди. Бутун зарба шу экипажга қаратилди. Харитонов ҳалок бўлди, ҳайдовчи Руденко оғир ярадор бўлди. Катта лейтенант А. Пряхин ҳайдовчини вақтида қутқариб олмаганида у ҳам нобуд бўлиши муқаррар эди. Лекин ўзи яраланди. Жанг беш соат давом этди. Батальон баҳодирлари беш соат давомида қулай позицияга ўрнашиб олган йирик душман тўдасининг қутуриб қилган ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлдилар.

Душманларнинг ҳуружини қайтариш, уларни улоқтириб ташлаш мақсадида янги операция бошланди. Аскарларимиз Панжшир дарасида душманнинг йирик-йирик тўдаларини ҳолдан тойдира бошладилар. Муваффақият билан давом этаётган операцияни тўхтатиш мақсадида душман Қобул — Чорикор йўлини боғлаб турган Ғурбат дарёсидаги кўприкни портлатиб юборди. Илгарилаб кетган қисмларимизга ўқ-дори, озиқ-овқат етказиб бериш қийинлашди. Бу вазифани авиация қисмлари ўз зиммаларига олдилар. Барибир дарё устидан ўтадиган йўлни тиклаш керак эди. Кўмондонликдан кўприкни қисқа муддатда қуриб топшириш буюрилганди. Мутахассислиги муҳандис-сапёр бўлган ҳарбийлар тўпланишиб иш режасини тузишди. Олдинги кўприк олти ойда қурилган экан. Бунисини ўн беш кун ичида қуриб топширилишини эшитган афғон муҳандислари шубҳа билдиришди.

Тушдан кейин капитан Р. Хабибуллин Б. Маҳмудовга:

— Катта лейтенант В. Злогоднюк билан ўн беш нафар аскарни олиб иккита юк машинасида харсанг тош келтиргани борасизлар, кўприк қурилишига ишлатамиз, — деди.

Ўн етти киши иккита машинада йўлга чиқишди. Яқин атрофда харсанг тошлар кўринмади. Манзилдан анча узоқлашиб кетишди. Узоқда, қишлоқ чеккасида тошлар уюми бордек кўринди. Ўша томонга кўтарилишди. Ҳақиқатан қишлоқ этагида тош сероб эди. Злогоднюк ўтирган машина йўл четидан секинлашиб бордида, тўхтади. Ботир ҳам ҳайдовчига тўхташни буюрди.

— Тошларни шу ердан олсак, нима дейсан Маҳмудов? — маслаҳат солди Злогоднюк.

— Бошқа жойдан олақолсак бўлмайдими? — деди Ботир. — Негадир кўнглим чопмаяпти.

— Нима, бу ердан олиш мумкин эмасми?

— Мумкин, лекин...

— Буни қара, — лейтенантнинг гапини бўлди Злогоднюк, — Худди кутиб тургандай бир отахон биз томонга келаяпти. Қайтанга яхши бўлди. Розилигини олиб хотиржам ортаверамиз. Қани сўра-чи?

(Охири. Боши ўтган сонда).

Маҳмудов қарияга салом бериб форс тилида «Бобо, бизга харсанг тош керак эди» деди. «Олаверинглар, бемалол олаверинглар», деб чол негадир ўзини ён томонга ола бошлади.

Шу вақт қария келган томондан ўқ садоси янгради. «Пистирмага дуч келдик» лейтенантнинг хаёлидан шу гап ўтди. Кетидан йирик калибрли ДШК пулемёти тириллай бошлади. Аскарлар ўзларини машина ичига олишди. Ботир кабинанинг оёқ қўйидиган жойига ўзала тушиб ётиб олди. Уруш қонуни шундай. Бошқаларни асрайман десанг, аввал ўзингни эҳтиёт қилишинг керак. Бундай пайтда ўйламасдан қилинган ортиқча ҳаракат фақат зиён келтиради. Қаҳрамонлик кўрсатилишнинг ўз вақти бўлади.

Иккала машина кабинаси ўқдан илма-тешик бўлиб кетди. Чунки ёв аввало командирни йўқотиш пайида бўлади. Бошлиқлари ўлди, деб ўйлашди шекилли энди кузовларини ўққа тута бошлашди. Ботир қўлига автоматни олиб ҳайдовчи чиқадиган эшикдан пастга эмаклаб бошлади. Аксилинқилобчилардан бири буни кўрдими, ё ҳар эҳтимолга қаршими, гранатомётдан кабинани нишонга олди. Уларнинг бахтига граната машина ғилдирагига келиб тегди, аммо тўлқини уни анча нарига отиб юборди.

Қанча беҳуш ётди, билмади. Кўзларини очганида отишма ҳамон давом этарди. Қўзғалмоқчи эди, чап қўли зирқираб оғриди. Ўнг томонига бироз ёнбошлаб жарни кузатди. Хайрият, машиналардаги аскарлар ерга тушиб олишибди. Кичик сержантдан бошқа ҳаммалари Афғонистонга яқинда келишганди. Уларга қараб лейтенантнинг юраги ачишди. Кичик сержант Салон эмаклаб ўзини ғилдирак панасига олдида душманга қараб ота бошлади. Пистирмадагилар чалғигандан фойдаланган бир аскар икки ҳатлаб йўл четидаги ариққа ўзини ташлади ва у ҳам автомат тепкисини босди. Яхши жой. «Баракалла, — деди ичида лейтенант қалинг аскарга, — илож бор экан-ку».

— Ҳамма ариққа, — буюрди Маҳмудов. — Ариқ панасига ўтинглар!

Шундай деб ўзи биринчи бўлиб ариққа отилди ва бошқаларнинг ҳам паналанишини таъминлаш мақсадида ўқ отди.

Кутилмаганда батальон БТРи пайдо бўлди. Ерда қапишиб ётганларнинг бахти эди бу. БТР пулемёти пистирмадагиларни бош кўтартирмай қўйди. Шу пайт ён томондан гранатомёт кўтарган қора соқолли киши пайдо бўлди. У нишонни мўлжалга олаётганда БТР бир силкиниб орқага юрди. Худди шу дамда отилган граната хато кетди, қояга тегиб портлади. Қора соқолли қайталашиб бошини кўтарди. Оддий аскар О. Ровинский уни отиб қулатди. Унинг ўрнини шериги эгаллади. Шунда яна кутилмаган ҳол рўй берди. Машина бир силкиниб олдинги турган жойига келиб улгурмасидан яна бир граната орқасидан учиб ўтди ва у ҳам қояга тегиб портлади. Бундан душман саросимага тушиб қолди. Автоматчилар гранатомётчи турган томонга ота бошлашди. Пистирмадагилар бирин-кетин кўздан ғойиб бўлишди. Шу жангда Игорь Бистров ҳалок бўлди. Роман Баркар ва Али Бобоев оғир яраланишди. Агар БТР вақтида етиб келмаганда қурбонлар сони кўп бўлиши мумкин эди.

Бу манёврларнинг сабаби кейин маълум бўлди. Қуролдошларнинг қуршовга тушганидан хабар топган пулемётчи Сендицкий билан ҳайдовчи Гайло БТРда етиб боришади. «Биринчи тўхтаган жойимиздан отаётганимда дарахт ҳалақит қилди, — деб ҳикоя қилади Сендицкий — Николайга «озгина орқага ол-чи» дедим. Лекин бу позиция ундан ҳам ноқулай чиқиб қолди. «Жойига қайтар,» дедим. Бор гап шу».

Шундай қилиб сибирлик Сендицкий нафақат қуршовда қолганларни, балки бутун экипажни ҳам қутқариб қолди.

Ҳар қанча ҳалақит беришларга, қаршиликларга қарамай кўприк белгиланган муддатда — ўн беш кун ичида қуриб битказилди. Лейтенант Ботир Маҳмудов «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

* * *

Армияда сени қаерга муносиб кўрсалар, ўша ерда хизматингни давом эттираверасан. 1984 йилнинг сентябрь ойида Ботир алоҳида-махсус миналаштириш батальони 1-ротаси командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди. Батальон жангчилари галма-галдан Жалолободга бориб кузатув ишлари олиб боришарди. Яъни ўн беш кишилик разведка гуруҳи чегара яқинига бориб мухолиф кучларга ташқаридан қанча қурол-аслаҳа, карвон ўтишини аниқлардилар. Бу вазифа баланд тоғда, кузатишга қулай жойда адо этиларди. Декабрь ойида катта лейтенант В. Бикоев бошчилик қиладиган гуруҳ билан лейтенант Б. Маҳмудов ҳам борадиган бўлди.

— Сизга ҳамроҳ бўлсам майлими, Ботир ака, — илтимос қилди тўйтепалик оддий аскар Жаҳонгир Солиҳов. — Шу пайтгача ўзбек зобитини ҳеч учратмаган эдим. Унинг устига тоққа биринчи марта чиқишингиз бўлса керак.

— Майлику-я, лекин яқинда бориб келгандинглар. Дам олмасдан туриб...

— Кўникиб кетганмиз, у ёғидан хавотир бўлманг.

— Бўпти, унда.

Лейтенант ҳамюртининг довюраклигини кўп эшитганди. Жаҳонгир бир неча операцияларда қатнашган тажрибали аскар эди. Кейинчалик уни сафарга бирга олиб кетиб тўғри иш қилганини кўп эслади. Тоғда юрганингда шунақа бақувват, эпчил ҳамроҳинг бўлса тузук экан.

Жаҳонгир тўғри айтган экан. Биринчи марта тоққа чиқаётган одамга жуда қийин бўлди. Чарчаб, ҳолдан тойса ҳам сир бой бермади. Яна юкини оғирлаштириб озиқ-овқатни ҳам тоза ғамлаганди. Кўзи пишганлар асосан ўқ-дорига эътибор беришаркан. Тўғрида, бир кунда одам нари борса уч маҳал овқатланар. Аммо отишма бир бошланса қанчага чўзилади, ҳеч ким билмайди. Белгиланган нуқтага етишганда умуман мадори қолмади. Елкасидаги оғир қопчиғини бир амаллаб ерга қўйиб, тош устига ўтирди. Ҳатто нафас олишга ҳам ҳоли йўқ эди.

— Қойил, ўртоқ лейтенант, — деди Жаҳонгир. — Кўп сипоҳиларни кўрдим, биринчи чиқишида қаттиқ қийналиб, юролмай қолишарди. Сиз чидадингиз. Бунақаси кам учрайди.

Гуруҳ аъзолари ўша ерга жойлаша бошлашди. Ҳамма лаш-лушларини саранжом қилиб дам олиш ниятида эди. Унинг устига қоронғи тушиб боряпти. Бикоев билан Маҳмудов карвон йўлини кузатиш, харитага нималарнидир белгилаш билан банд эдилар. Шу пайт зарур иш билан нарироққа борган жангчи шошиб қайтиб келди.

— Ўртоқ катта лейтенант, — ҳаяжон ила Бикоевга мурожаат қилди у. — Катта қоянинг орқасида душман кузатувчилари ётишибди.

— Сени сезишмадими? — сўради гуруҳ бошлиғи. — Улар неча киши?

— Уч нафар. Кўрдиму, ўзимни панага олдим. Сезишмади, назаримда.

— Маҳмудов, сен шу ерда қолиб кузатишда давом эт, — буюрди Бикоев. — Мен икки йигитни олиб вазиятни билиб келаман.

Ботир бошқа йигитларга ҳушёр туришни тайинладида, ўз ишини давом эттирди. Аммо бутун вужуди Бикоев кетган томонда эди. Анча кутди, лекин дарак йўқ. Жим-жит. Яна йўлга тикилди. Нимадир тақиллагандек бўлди. Бироздан кейин автомат овози эшитилди. Катта лейтенант иккала аскар билан қайтиб келди. Бикоев ҳаяжонланарди.

— Қулай жой топишган экан, — деди у. — Қўлга олишнинг иложи бўлмади. Қочишаётганди отиб ташладик. Турган нуқтамизни аниқлаб бўлишганди. Яхшиямки, вақтида пайқадик. Энди гап бундай: Ўқ овозини пастда бутун қишлоқ эшитди. Пойлоқчилар борки, демак яқин ўртада душман тўдаси ҳам бор. Бекорга юборишмаган, одамларини. Ҳозир ҳаммамиз тоғнинг энг юқори чўққисига кўтариламиз. Жангда ким юқорида бўлса ўшанинг қўли баланд. Бўлақолинглар.

Йигитлар юкларини апил-тапил йиғиштира бошлашди. Қишлоқда уйларнинг чироқлари бирин-кетин ҳаммаси ёнди. Улар туртиниб-суртиниб чўққи томон йўл олишди. Инсон табиати қизиқ. Шундай пайтларда уйини эслайди. Ота-онаси, жигарлари кўз олдига келади. Кўнгли бузилади. Кўргиси келади. Лекин начора, осмон узоқ, ер қаттиқ. Волиданг йироқда. Яхшиям йироқда, бўлмаса шу кечираётган қийинчиликларингни кўрса қандай чидарди? Гуруҳ раҳбари тўғри айтган экан. Кўп ўтмай душман тоғ ён бағридан туриб ота бошлади. Кўзи пишганлар ўқ-дорини ғамлаб тўғри қилишган экан. Жанг беш кун давом этди. Йигитлар беш кун мобайнида катта тўданинг ҳамласини қайтариб туришди. Ўқ-дорилар тугаб борарди, лекин бўш келишмади. Аёзли кунда, тоғ-чўққисида беш кун туришнинг ўзи бўлмайди. Аммо йигитлар туриб беришди. Ниҳоят, бешинчи кун пешинга яқин вертолётлар ёрдамга келишди. Улар қарши кучлар турган жойларни ўққа тута бошлашди.

— Каллакесарларни чалғитиб туришганида тушиб олайлик, — деди В. Бикоев. — Керакли нарсалар эсдан чиқмасин.

— Биз кетгач, душман ўрнимизни эгаллаши аниқ — деди Маҳмудов. — Миналаштириб кетамиз.

Лейтенант бошлиқдан рухсат олгач ишга киришди. Жаҳонгир унга ёрдамлашди. Бир неча жойга мина қўйишгач, улар ҳам туша бошлашди. Аксилинқилобчилар олдин тушиб олганларга отолмаганидан ғазабланиб қуролларини шу иккала ўзбек йигитига қаратишди. Жаҳонгир бутун гавдаси билан командирини тўсиб ерга қапишди. Хайрият, вақтида чорасини кўрган экан. Биронта ўқ тегмади. Пайт пойлаб хавфсиз ерга ўтиб олишди. Пастга тушгунча Жаҳонгирнинг тадбиркорлиги кўп жойда иш берди. Йўқса, дастлабки ўққа нишон бўлиш ҳеч гап эмас эди.

Топшириқни бажариб қайтишдию, Ботир қаттиқ оғриб қолди. Унинг устига тоғ совуғи ҳам ёмон таъсир этганди. Госпиталга юборишди. Аъзои бадани қақшаб анча кун оғир ётди. Ниҳоят, икки ҳафталар ўтгач тузала бошлади. Оёққа туриб ўзи ташқарига чиқадиган бўлганида бир куни госпиталь ҳовлисида дўстини учратиб қолди. У билан бир қисмда хизмат қилишарди.

— Суюнчи бер, Ботир, — деди у ўртоғини қучиб. — Сени орденга тавсия этишди.

— Йўғ-е, ростданми?

— Беҳазил айтяпман. Ўша сен қўйган мина туфайли мухолифларимиз оғир талофат кўришибди. Иккита катта бошлиқлари ҳам ҳалок бўлибди.

Кўп ўтмай унга катта лейтенант ҳарбий унвони берилди. 1985 йил июль ойида эса Афғонистондаги хизматини тугатиб Ватанга қайтди.

* * *

Тошкентда бир ойдан зиёдроқ дам олди, қариндош-уруғ, ёр-биродарларини кўрди. Сентябрь ойида яна хизматни давом эттиргани Қизил Байроқли Киев Ҳарбий Мавзесига йўл олди. Тақсимотда у шу ёққа юборилганди.

— Сизни ўзингиз таълим олган Донецк олий ҳарбий-сиёсий билим юртига юборсак розимисиз? — сўради кекса генерал. — Уруш кўрган одамсиз, армия ҳаётини яхши биласиз. Қолаверса, кўрсатган жасоратларингиз билан ёшларга ўрнак бўласиз. Кўплаб ҳамюртларингиз шу ерда ўқишяпти.

Ботир курсантлик йилларини эслади. Не-не ажойиб дўстлар орттирганди. Тақдир уларни турли бурчакларга сочиб юборди. Ўшанда билим юрти бўйича иккитагина ўзбек эди. Ўзи ҳам, бухоролик Абубакир Наврўзов ҳам яхши ўқишарди. Улар генерал-лейтенант В. В. Беспаловнинг назарига тушишди. «Кейинги йили ўзбеклардан кўплаб қабул қиламиз, — деди генерал хурсанд бўлиб. — Улардан интизомли, билимдон сипоҳилар чиқади. Фақат қизиқтира олсак бас». Бошлиқнинг гапларини эслаб фахрланди. Кейин ўрнидан «ғоз» туриб ҳарбийчасига жавоб берди:

— Розиман, ўртоқ генерал!

— Баракалла. Энди бундан бу ёғига ҳам бўш келманг. Муваффақият тилайман!

Аввалига билим юртида рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қилди. Кейин Чернобиль офатларини тугатишда ёрдам берди. У ерда махсус батальоннинг сиёсий ишлар бўйича командир ўринбосари вазифасини адо этди. Ўтган йили унга капитан ҳарбий унвони берилди.

Ҳаётда ҳеч бир воқеа изсиз кетмас экан. Афғонистон тоғларида орттирган дарди тинчлик бермай қўйди. Ётиб даволанди. Мутахассислар истеъфога чиқишини маслаҳат беришди. Орзуси ҳарбий академияда ўқиш эди. Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскарми? Лекин начора, бунга саломатлиги йўл қўймади. Бир касбга кўниккан одам бирдан бошқасини кўз олдига келтириши жуда қийин. СССР Мудофаа вазирлигининг Кадрлар Бош бошқармасига хат ёзди. Ҳеч бўлмаса ҳарбий комиссариатга ишга юборишларини сўради. Москвадан келган генерал у билан узоқ суҳбатлашди. Вакил капитаннинг Ватан олдидаги хизматини таъкидлаб, у кабилар ҳамма ерда керак бўлишини узоқ тушунтирди. Ниҳоят, кўп ўтмай капитан Ботир Маҳмудовни истеъфога чиқариш ҳақида буйруқ чиқди...

* * *

Стюардессанинг гапи Ботирнинг хаёлини бўлди:

— Ҳурматли йўловчилар! Бир неча дақиқадан сўнг Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент заминида бўламиз.

Ҳарбийликда ўтган ўн бир йил ортда қолди. Ўн бир йил. Айтишга осон. Бу йиллар ичида нималарни кўрмади, бошидан нималарни кечирмади. Ўн бир йил она шаҳрига меҳмондек келиб кетди. Энди буткул қайтяпти. Оддий, бир текис ҳаётга тез кўникармикин, ё? Пастга қаради, уйлар тобора яққол кўзга ташлана бошлади. Афғонда юрганида тушларида ҳар кун кўрадиган Тошкенти уни яна ўз бағрига олди. Тайёра қўнгач, қизчаси бийронлик билан сўради:

— Дада, энди Тошкентда яшаймиз-а?

— Албатта қизим.

Бекор юришга одатланмаган киши бирор иш билан шуғулланмаса қийин бўларкан. Бир ой, ярим ой дам олмоқчи эди, дарров зерикди. Тўғри шаҳар комсомол қўмитасига бориб биринчи котибга учрашди. Маълумоти бўйича сиёсий ходим эканлигини, иложи бўлса шу йўналишда ишлаш истаги борлигини айтди.

— Жуда яхши, — деди биринчи котиб. — Бирга ишлаймиз. Захирадаги байналмилалчи жангчилар билан ишловчи комсомол ташкилотчиси бўласиз.

Ишга ўша куниёқ киришиб кетди. Ўзига ўхшаган собиқ жангчилар билан ҳар куни учрашади, суҳбатлашади. Мажруҳларга ёрдам беришга интилади. Хуллас, унинг ҳаётида янги бир давр бошланди. У бундан хафа эмас.

— Айтгандек, — дедим мен, — Тошкентга келганингизга анча бўлдими?

— Бир йил бўлаяпти. Қисқа вақтда турмуш ўртоғим ҳам анчамунча кўникиб қолди. Қизим эса ўзбекча гапиряпти.

Ҳавасим келди унга. Бундай кишилар қаерда бўлишмасин, кўкдаги юлдуз сингари нур сочиб, порлаб тураверади. Умрларини инсонга хизмат қилишга бағишлашади. Чунки уруш кўрган одам бошқаларга нисбатан инсон қадрига кўпроқ етади, ҳаётни кўпроқ қадрлайди...

Хорижидан хабарлар

Телетайп лентасидан

ВАШИНГТОН. «Америка нефть компанияларининг СССР билан ҳамкорлиги Қўшма Штатларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади», деб ҳисоблашмоқда Совет—Америка муносабатлари Америка қўмитасининг мутахассислари.

Ҳозирги вақтда Ғарбий Европа ва Осиёдаги кўпгина мамлакатлар энергетика соҳасида СССР билан ҳамкорликка зўр қизиқиш билдирмоқда, дейилади шу ташкилотнинг баёнотида. Вужудга келган вазиятда агар Вашингтон яқин вақт ичида Москва билан савдо-сотиқдаги мавжуд барча чеклашларни бартараф этмаса ва Совет Иттифоқига техникавий жиҳатдан ёрдам беришни миллий сиёсатининг асосий вазифаси қилиб қўймаса, Америка компаниялари ўз рақобатчиларига ютқазиб қўйишлари мумкин.

МАНАГУА. Никарагуа ҳукумати Сандиночилар Миллий Озодлик Фронти (СМОФ) назоратида турган касаба уюшмалари билан ўз иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш кераклиги тўғрисидаги СМОФ талабларини бажаришга рози бўлди. СМОФ раҳбари Даниэль Ортега бу ерда журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда жумҳурият ҳукумати чинакам миллий тотувликка эришиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида ижобий қадамлар қўяётганлигини ва «меҳнаткашларнинг талабларини қондириш учун бундан буён ҳам олға томон силжиш ниятида эканини намойиш қилаётганини» айтди.

Даниэль Ортега кейинги кунларда Президент ҳузуридаги вазир Антонио Лакайо билан бир неча марта учрашганлигини ҳам хабар қилди. Учрашувлар чоғида Антонио Лакайо ҳукуматнинг давлат шўъбасидаги ходимларни бўшатишни тўхтатишга қарор қилганлигини айтди. Бундан ташқари, у маъмурларнинг ер ислоҳотини ҳал этиш учун катта комиссия тузиш ниятини маълум қилди. А. Лакайо сандиночилар ҳукумати мусодара қилган ерларни ва бошқа мулкларни унинг собиқ эгаларига, шу жумладан Никарагуага қайтиб келган сомосачиларга қайтариб бермаслик тўғрисида ҳукумат номидан гапирди.

БУХАРЕСТ. Румыния пойтахтидаги ҳарбий трибуналда Румыния олий давлат ва сиёсат раҳбарияти собиқ вакилларидан 23 киши устидан суд иши давом этмоқда. Улар ўз халқига қарши ҳунрезликда ҳамда ўтган йилнинг декабрида намойишчиларнинг чиқишларини қуролли йўл билан бостириш тўғрисидаги Чаушеску чиқарган қарорларни қўллаб-қувватлаганликда айбланмоқдалар.

Суд Румыния Коммунистик фирқаси Марказий Қўмитасининг собиқ котиби Константин Олтянунинг кўрсатмаларини тинглади. Тергов давомида маълум бўлганидек, 1989 йилнинг 17 декабрида бўлиб ўтган РКП Марказий Қўмитаси сиёсий ижроия қўмитасининг мажлисида судланувчи Чаушескунинг Тимишоарда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида намойишчиларга қарши қурол ишлатиш тўғрисидаги қарорига розилик билдирган. Кейин у ҳукмдорнинг фармойишига биноан тинч намойишларни тарқатиб юбориш ишларига раҳбарлик қилиш учун Ясса, Васлуй, Ботошань ва Сучава уездларига юборилган.

К. Олтяну ўз ишида қайд этилган «Инқилоб» ва «Намойишчилар» деган сўзлар прокуратура ходимларига тегишли эканини айтиб, ўзига қўйилган айблардан бош тортган. Ўша пайтда мамлакатдаги воқеалар ҳақида асосий хабардор қилувчи киши, Чаушеску бўлган. У «безори ва синфсиз унсурлар чет эл разведкаси мададида мамлакатда социализм асосларига путур етказишга уринаётганликлари» ҳақида хабар берган эди. Шу боисдан тартиб ўрнатишда милиция ва армиянинг иштирок этиши мутлақо табиий чора деб қаралган. Ўша кунларда айбдор ўзининг айтишича, уездларда бўлган ва фақат «Йиллик планни бажариш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш» масалалари билан шуғулланган.

* * *

Руминиядаги бешта партия вакиллари янги сиёсий ташкилот — демократик иттифоқ уюшмаси тузилганини эълон қилдилар.

Янги ташкилот ташаббускор қўмитасининг Ромпрес бошқармаси тарқатган хабарида таъкидланишича, миллий тотувликдан манфаатдор бўлган сиёсий кучларни бирлаштириш, мамлакатда амалий ҳамкорлик ва мулоқот муҳитини вужудга келтириш уюшманинг мақсадидир.

Демократик иттифоқ уюшмаси, дейилади хабарда, унинг асосий қоидаларига қўшиладиган Руминиядаги барча сиёсий партиялар учун очиқдир.

СОФИЯ. СССРга қилган сўнгги ташрифим чоғида Совет раҳбарияти Болгария миллий Хавфсизлик муаммоларидан ташвишланаётганини тушунганлигини маълум қилди, деди бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида БХЖ Вазирлар Кенгашининг раиси Андрей Луканов. Болгария ҳукумати раҳбарининг айтишича, Михаил Горбачев СССР — Варшава Шартномаси доирасида ҳам, икки томонлама асосда ҳам қабул қилинган мажбуриятларни тасдиқлаган. А. Луканов Совет Иттифоқи Болқонда ва Ўрта денгиз ноҳиясида тинчлик ҳамда осойишталикни сақлаб туришдан ҳаётий манфаатдор эканини таъкидлади.

У Болгариядаги иқтисодий ислоҳотлар дастурини умуман ижобий баҳолади. Бу дастурни АҚШ вице-президенти билан савдо палатаси бош эксперти Ричард Ран бошчилигидаги Америка ва Болгария иқтисодчилар гуруҳи тайёрлаган. Айни вақтда, Лукановнинг фикрича, бу дастур Болгарияда ажойиб бозор нусхасини вужудга келтиришга қаратилган бўлиб, аслида у мамлакатдаги ҳақиқий вазиятни ҳисобга олганда, амалга ошириб бўлмайдиган дастурдир.

(СИТА, 3 октябрь).

МИЛЛАТГА МУРОЖААТ

ВАШИНГТОН, 3 октябрь. (СИТА мухбири Александр Королев). АҚШ Президенти Жорж Буш телевидение орқали миллатга мурожаат қилиб, мамлакат федерал бюджети камомадини қисқартириш йўллари тўғрисида маъмурият ва конгресс раҳбарлари ишлаб чиққан муросали битимни қабул қилишга даъват этди.

Оқ уй раҳбари сайлов ўтказиладиган йилда конгресснинг кўпгина аъзоларида, шунингдек оддий америкаликларда кескин салбий муносабатга сабаб бўлган режага нисбатан қаршиликни пасайтириш мақсадида шундай чора кўрди. Гап шундаки, ўртага қўйилган мақсадга эришиш — федерал харажатларни 500 миллиард доллар қисқартириш учун одатдан ташқари чора кўришга қарор қилинди. Жумладан, маъмурият ва конгресс ёқилғининг барча турларига, тамаки буюмлари ва спиртли ичимликларга янги солиқ солишга, зебизийнат буюмларига ортиқча солиқ белгилашга рози бўлди. Бу эса кекса америкаликларга зарба бўлади.



Яқинда эълон қилинганлигининг 41 йиллигини нишонлаган Хитой Халқ Жумҳурияти билан мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва дўстона муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

СУРАТДА: Синьцзян—Уйғур мухтор ноҳиясидаги Урумчи ингичка толали пахтани қайта ишлаш фабрикаси цехларидан бирида.

СИТА мухбири И. БУДНЕВИЧ олган сурат.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚИРОЛ ЛЮДОВИКДАН ҚОЛГАН МЕРОС

● ФРАНЦИЯНИНГ Сен-Жю-ан-Шосе шаҳрида яшовчи Эммануэл Удино эсини танибдики, чой сузадиган тўр йиғиб юради. Ҳозир унинг коллекциясида 229 турдаги олтин, кумуш, мельхиор (мис билан никель қотишмаси), бронза ва алюминдан ясалган чой сузгич тўрлар бор.

Удинонинг гапларига қараганда, уларнинг ичида энг чиройлиси унинг катта бувисидан қолган каптар тухумидан сал каттароқ ҳажмдаги олтин ва кумуш сузгичдир. Бу сузгичлардан ҳатто қирол Людовик VIнинг оиласи ҳам фойдаланган, деб хабар беради «Франкфуртер альгемайне» рўзномаси.

СУД ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРАДИ

● АМЕРИКАЛИК Чарльз Сунней жуда машҳур бўлмаса-да, ҳар қалай тузуккина парашютчи. Фақат осмонўпар бинолардан ерга сакрайди.

Лекин бу сафар унинг омади келмади. Йўқ, сиз ўйлаганчалик оғир тан жароҳати олгани йўқ. Аммо... Очиғи у яқинда Лос-Анжелосдаги «Плаза» меҳмонхонасидан парашютда сакраганди. Бахтга қарши АҚШ президенти Жорж Бушнинг «хавфсизлик зона»сига тушиб қолди. Бу пайтда Буш Голливудга жўнамоқчи бўлиб турганди.


Спортчи парашютини апил-тапил йиғиштирдида, машинада бу ердан тезда қочиб кетмоқчи бўлди. Афсус, полициячилар қуршаб олишди ва «Ҳукумат бошлиғига хавфли қурол — автомашина билан тажовуз қилмоқчи» деган айб билан қамаб қўйишди. Энди Чарльз суд олдида жавоб беришига тўғри келади.

СЕҲРГАРЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНДИ

● ИНДОНЕЗИЯНИНГ ғарбий қисмида бўладиган автопойга мусобақаларини кўнгилдагидек ўтказиш ниятида авторалли ташкилотчилари бу ишга сеҳргарларни жалб этди. Бу «ёмғир кишилари»нинг қиладиган иши шундан иборатки, улар «Индонезия-90» деб номланган мусобақа пайтида ёмғир ёғдирмай туришса бас. Бундай хайрли юмуш билан тўрт нафар сеҳргар шуғулланади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«Менинг кимлигимни эл билса бўлди...»



Салоҳиддин ҳақида аввал ҳам эшитганман. Юзма-юз кўришмагандим. Овозингиз тўлқинлари орқали тарқалган қўшиқларини кўп тинглайман. Нуфузли мукофотга тавсия қилинганлигини билгач, рости жуда севиндим. Аммо кўнглимнинг бир четида хижиллик ҳам йўқ эмас. Бонси, номзодлар сафида турганларнинг ҳаммаси шу мукофотга муносиб. Лекин... Майли, ҳозирдан башорат қилмайлик...

Салоҳиддин камгап, жуда камтарин. Яширмай нима қилганини, санъаткорлар орасида камдан-кам учрайди бундайлари. Аввалига тил топишолмадик, Кейин...

— Айтинг-чи, сизнинг урусингизда артист ўтганми ўзи? — деб саволга тутаман. Бир оз жимликдан сўнг:

— Лутфулла бобом дутор чертиб қўшиқ айтар экан. Балки уруғ сурган бўлса ажабмас. Лекин отам қурувчи, Санъатни жуда қадрлади. Биласизми, бизнинг Қашқадарёда яқин-яқинларда ҳам тўй-томошаларда катта базмлар бўларди. Кечқурун тўй оқшоми давра қурилиб, ўртага олов ёқилиб, эркаклар тараф-тараф бўлиб қўшиқ, лапарлар айтишарди. Айтишларича бобом шундай давраларни «гуллатар» экан. Эшитишимча, сиз қурилишда ишлаб юрардингиз шекилли? Қачондан бошлаб қўшиқ айтасиз?

— Тўғри, мен «Қаршистрой»да анча вақт ишлаб юрдим. Лекин қўшиқ айтишни мактабдан бошлаганман. Ўзимча у пайтларда тўғри келган қўшиқларни айтиб кетаверардим. Лекин юрагимга таъсир қилди... Айниқса, Йўлдош Охунбобоев номидаги Қарши педагогика билим юртининг мусиқа фани ўқитувчиси Файзулла ака Исломов ҳар кўрганида «Салоҳиддин, Тошкентга бор, унга шундай катта даргоҳнинг ҳеч бўлмаганда биттасига «илиниб» қоларсан. Эртани ўйласанг-чи» деяверди тинчлик бермади. Охири уйдагиларни бир илож қилиб кўндириб, Тошкентга жўнадим. Мақсадим — опиб, консерваторияга ўқишга кириб қолдим. Ҳеч ишонгим келмайди. Чунки, «менга ўхшаган «артист»ларнинг уруғи Ўзбекистонда оз бўлса экан. Қайси бирини ўқишга олади» деб юрардим.

Дастлабки пайтлар анча қийналдим. Доим ўқитувчиларим «Овозинг яхши-ю, шу мусиқани ўзлаштириб кетишда ҳали қийналадиган кўринасан» деб нолишгани-нолишган эди. Йўқ, ўрганиб кетдим. Тунлари ухлолмай чиқардим. «Наҳотки, бошқалар қилган ишни мен қилолмайман. Қўлларим бутун-ку» деб ўзимни койирдим. Кейин ҳаммаси изга тушиб кетди. Консерваторияни тугатиб иккиланмасдан тўғри она юртимга кетдим. Мана ҳозир устозим Файзулла ака билан шу билим юртида ишлаяпман.

— Биласизми, Салоҳиддин, мени қийнаётган нарса кейинги йиллар ҳам бир оралиқ Қашқадарёдан иқтидорли санъаткорлар жуда кам чиқаяпти. Тожиддин Муродов, Ўлмас Саиджонов, Замира Суюнова, Эгамберди Тўраевларни айтмаганда таниқлилар йўқ-да! Бунинг туб сабаблари қаерда, ёки йўл беришмаяптими?

— Тўппа-тўғри. Аммо истеъдодли ёшлар бехисоб. Уларни излаб элга танитишга келганда... Биласиз, Қашқадарёда нима кўп, дасталар кўп. Деярли ҳар бир ноҳияда бир-иккитадан санъат дасталари бор. Қанчалари эътиборсизликдан тарқалиб кетди. Ана шу дасталарда сиз билан биз орзу қилган ёшлар кўп. Яширмайман, «Ўзинг учун ўл етим». Лекин хайриятки, мана бир-икки йилдан бери вилоят комсомол қўмитаси ташаббуси билан анчагина хайрли ишлар қилинди. Конкурслар, кечалар уюштирилаяпти. Янги-янги номлар кашф этилаяпти, Менинг номзодимни ҳам вилоят тавсия қилишди, Тошкентга, Бўлмаса...

Бу билан «вилоятда бизнинг соҳамиз оламшумул ижобий қадамлар ташланаяпти. Бемалол умид қилса бўлади» дейишга ҳали эрта. Албатта, биздаги камчиликларни бошқа вилоятларда ҳам йўқ эмас. Энди қоғозларда қолиб кетган тадбирлар билан «ишлаш»дан воз кечиш вақти келди.

— Умуман, бир ёш санъаткор сифатида ўзбек миллий қўшиқчилик санъатининг эртанги кунига қандай қарайсиз?

— Шукрким, кўп соҳаларда (шу жумладан санъатда ҳам) ўзлигимизга қайтаяпмиз. Кўзимиз кеч бўлса-да, очилди. Ўзбек миллий қўшиқчилик санъатининг тарихи неча йилларга бориб тақалишини тўғриси, мен аниқ айтолмайман. Тарихдан маълумки, бир вақтлар бизнинг ота-боболаримиз ҳам турли худоларга сиғинганлар. Шу ўринда албатта санъатнинг ҳам ўз худоси бўлган. Унга сиғиниш эса ҳар кимга ҳам насиб этавермаган. Назаримда ҳозир ҳам шундай. Бироқ, бу даргоҳнинг бағри кенг. Тўртта қўшиқ билган ҳам, ўзини санъат фидойиси деб ҳисоблайди. Ўзича кашфиётлар қилади. Охир-оқибат эса унинг бағрида фақат ҳақиқий истеъдод эгаларигина қолади-лар. Шу ўринда мен ўзбек қўшиқчилик санъатининг улуғ вакиллари Шерозий, Комилжон Отаниёзов, Тўйчи Ҳофиз, Маъмуржон Узоқов, Карим Мўминовларни тилга олгим келади...

Салоҳиддин Лутфуллаев репертуарида асосий ўринни классик қўшиқлар эгаллайди. Навоий, Бобур, Лутфий, Машраб ғазалларини мароқ билан куйлайди. Яна бир эътиборли жиҳати, унинг ўзи қўшиққа куй ҳам басталайди. Ҳам ижро, ҳам бастакорлик осонмас. Мен барибир юқорида, кўнглимнинг бир четида турган саволни унга бердим.

— Ўзингиз билан бирга қўйилган номзодлардан қайси бирини шу мукофотга лойиқ деб биласиз?

— Ҳаммасини, — деди у сира иккиланмай. — Охунжон ҳам, Ғиёс ҳам, Муҳриддин ҳам муносиб-да! Ҳеч қачон шахсан мен «мана бу санъаткор зўр, буниси бўлмайди» демайман. Бу даргоҳга ҳар кимнинг ҳам насибаси қўшилавермайди. (Санъатни бир эрмак деб кун кўрувчилар бундан мустасно). Юрагида дарди бор кишигина санъатнинг қадрига етади...

У ортиқ гапирмади. Мен ҳам уни жим кузатдим. Хаёлимдан ўша лаҳзаларда шундай сўзлар ўтди: «Бу йигит санъаткоргаям ўхшамайди-я, ё тавба. Бу артист деганлари бир қоп ёнғоқдек, бир гапириб ўн куладиган бўлардил...» Уйга толаман. Балки ҳақиқий санъаткор Салоҳиддиндек камгап, камтарин бўлар. Балки...

Ҳофиз ҳақида унинг ўзи эмас, қўшиқлари сўйласа, не ажаб:

Дилимнинг рангини гул
билса бўлди,
Менинг кимлигимни эл
билса бўлди.

Норқобил ЖАЛИЛ.

Сўраган эдингиз

ВАЛЕРИЙ НЕПОМНЯЩИЙ: 1943 йилнинг 7 августида Олтой ўлкасида таваллуд топган. Туркманистон Давлат дорилфунунининг жисмоний тарбия куллиётини тамомлаган. 1965-66 йилларда Самарқанднинг «Динамо» командасида марказий ҳужумчи ўрнида майдонга тушган. Ўйин фаолиятини тугатгач, Ашхободдаги ўсмирлар спорт мактабида ишлади. Олий тренерлар мактабини тугатгач, Ашхободнинг «Колхозчи» командасига устозлик қилди. 1983 йилдан бошлаб эса Туркманистон терма командасида тренер бўлиб ишлади.

Икки йилдан буён Камерун терма командасида бош тренер. Маълумки В. Непомнящий бошчилигидаги терма команда Италия жаҳон чемпионатида дунёдаги энг кучли саккиз командадан бири деб тан олинди.

КАМЕРУНЛИК «БИЗНИНГ ОДАМ»

Очиғи, Италияда Непомнящий билан суҳбатлашишнинг имкони бўлмаганди. Чемпионат давомида бизнинг йўлимизни бир мартагина туташтирган Неаполь шаҳрида ҳам суҳбатлашиш насиб этмаганди, Шундан сўнг уни чемпионат қаҳрамонлардан бири сифатида ўзини қандай тутишини фақатгина матбуот марказидан кузатиб туришга тўғри келганди.

Италияга оддий қатнашчилар сифатида келган Камерун терма командаси ватанларига бошларини тик тутганларича мағрур қайтишди. Тренер ҳақида эса чет эл матбуоти «Совет футболининг бу чемпионатдаги ягона кўрсаткичи — Непомнящий бўлди» деб ёзди.

Италияда мен жаҳон чемпионатини кузатишга келган тренерлардан унинг фаолиятини баҳолашларини сўраганимда баъзилари ўз хурсандчиликларини яширмади. Бошқалари эса елка қисишди. Яна бошқалари эса «Валерани худо ёрлақади» дейишди. Фақатгина улар бундай ўйлашмаётганини билардим. Шунинг учун ҳам Иттифоқимизда бўладиган учрашувни зўр интизорлик билан кутдим. Шу кунларда Непомнящий қўнғироқ қилиб қолди.

У деярли ўзгармаганди. Фақатгина юзлари шафқатсиз Африка қуёшида бироз қорайган, соч-соқолининг оқарганлиги кўзга яққол ташланиб қолганди.

— **Нон топиб ейиш осон кечмаётгандир?** — сўрайман ундан.

— Тренерни иши ҳеч қаерда ва ҳеч қачон осон кечмаган. У ёқда эса яна ҳам, — бош чайқайди, — биласизми, атрофингда, айниқса, бегоналар бўлса: тил билмаслик, бутунлай ўзга кишилар, урф-одатлар, бундай вақтда вазиятни баҳолаш ва шунга қараб бирор қарорга келиш янада мушкул.

...Тўғрисини айтсам, мен уни бошқача, мағрур, сергак, одатдаги ғолиблар қиёфасида кўринишини кутгандим. Аслида эса чарчаган кишини кўрдим. Баъзан кўзлари чақнаб кетарди, холос.

— **Келинг, бир бошдан бошлайлик. Ҳозирги вақтда биздан чет элга ҳар хил йўллар билан ўтишмоқда. Сиз Камерунга қандай ўтиб қолгандингиз?**

—Тасодифан. Тренерлар олий мактабини тугатгач, Ашхободда — жумҳурият терма командасида тренерлик қилдим. Бир куни мендан Москвага борганимда «чет элда ишлашни хоҳламайсанми» деб сўраб қолишди. Менимча, ҳалигача ҳеч бир Совет фуқароси бундай таклифни рад этмаган бўлса керак. Дастлаб резерв (заҳира)да турдим. Кейин Суринамга жўнашим керак эди. Аммо сўнгги дақиқада Камерунга йўлланма беришди.

— **Шартнома шартларини дарҳол келишиб олдингларми?**

— Э, у вақтда ҳеч қандай шартнома тузилмаганди. Саккиз ой ўтгач, «Совинтерспорт»нинг кўп уринишларидан сўнггина расмийлаштирдик. Чунки четга мутахассислар юбориш эиди ривожланаётган давлатларга кўрсатилаётган одатдаги ёрдамлардан бири саналарди. Бизда азалдан шундай: бегонага қарашамиз, ўзимизга эса... Тасаввур қилинг, агарда француз Клода Леруадан (унинг ўрнига ишга борганман) «дўстона ёрдам сифатида» ишлашини сўраганингизда, у гап нима ҳақида бораётганлигини тушунмаган ҳам бўларди!

— **Нимага у Камерундан кетиб қолди?**

— Назаримда Африка кубогини қўлга киритгач, Камерун терма командаси бошқа чўққиларни эгаллашга қодир эмас, деб ўйлаган. Олдинда эса жаҳон биринчилигининг саралаш мусобақалари турарди. Ўз обрўсининг тушиб кетишини истамади.

— **Сизнинг йўқотадиган ҳеч нарсангиз йўқ эди...**

— Мен ҳам шундай ўйлагандим. Чунки олти Марказий Африка мамлакатлари турнирида иш бошлаганимга ўн кунгина бўлганди. Биз унда ютқаздик. Бунинг устига ўз уйимизда бўлган финал ўйинини Габон ўйинчиларига бой бердик. Бу мухлислар учун ҳам, ҳукумат учун ҳам ҳақиқий зарба бўлди.

— **Табиийки, бу сиз учун ҳам зарба эди...**

— Нимасини айтасиз, шу кунлари ўта шафқатсиз маҳаллий матбуот бирданига Леруани эслаб қолди. Асосий профессионал ўйинчилар йўқлиги, менинг терма командани саноқли кунлар ичида тўплаганлигим ҳеч кимни қизиқтирмасди. Африка чемпионларидан Италия чемпионати орқали бутун жаҳонга танилган бор-йўғи икки ўйинчи — Канан Бийик ва Эмиль Мбулар қатнашганди.

— **Профессионал ўйинчилар билан ҳаваскорларнинг фарқи нимада кўринади?**

— Профессионаллар чет элда ўйнашса, қолганлари уйда, ўзлари қатнашаётган командада меҳнат қилиш билан биргаликда тўп суришади.

— **Умуман Камерун футболининг кўриниши қандай?**

— Жудаям ранг-баранг. Ўйинга катта эътибор беришади. Аммо деярли барча майдонлари ўнқир-чўнқир, майсасиз. Президент Поль Бийя йилига икки марта футболга киради: Марказий Африка олти мамлакати турнири ва Камерун кубоги финалларига.

— **Мен Италияда командангиз аргентиналикларни доғда қолдиргач, унинг сизнинг қўлингизни сиқиб табриклаб турган пайтдаги суратини кўргандим...**

— Бунгача қанча қийинчиликларни бошдан кечиришга тўғри келди.

— **Нима, кўнгилсизликлар ҳам бўлганмиди?**

— Бу ҳақда гапириб ўтиришга уяласан киши. Аввалига яшашим учун ажратилган турар жойимга ўғриликка тушишди. Ҳамма нарсаларни шип-шийдон қилиб кетишди. Қўриқчи ит сотиб олгандим, уни ҳам ўғирлаб кетишди. Шартномада кўрсатилмаса-да, қоровул ёллашга тўғри келди. Хўжайинлар лозим топмагач, ўз ёнимдан унга ҳақ тўладим. Бу пуллар ҳам ўз йўлига.

Бу вақтда яна бошқа муаммолар ҳам кутиб турарди. Жаҳон биринчилигининг дастлабки саралаш матчида ўз майдонимизда Анголаликлар билан дуранг ўйнадик, Либервилида яқиндагина бизни мағлубиятга учратган Габон терма командаси билан ўйнашимиз керак эди. Ана шу пайтда мен учун ҳаммаси ҳал бўлишини тушундим. Бунинг устига худди шу масалада президент атрофида икки марта йиғилишга тўғри келди.

— **Қандай мақсадда?**

— Габон терма командаси билан бўладиган ўйинда қатнашадиган составни аниқлаш учун. Ҳайрон бўлманг, бу табиий ҳол. Менга аввал ишончсизлик билдирилаётганлигини сездим. Ва ҳукумат вакили ўз вариантларини кўрсатганида ёхуд мен— айтган ўйинчилар ўйнайди ёки биз барча ўзаро муносабатларга чек қўйишимни айтдим. Бундай ультиматумдан сўнггина бир қарорга келишиб олинди: менинг розилигим билан улар «Непомнящий ўз қарорида қатъий турди» деган қоғозни Бийяга кўрсатадиган бўлишди.

— **Таниш манзара.**

— Бошқа иложим ҳам йўқ эди-да. Таваккал қилдим — бизлар 1:0 ҳисобида ғалаба қозондик. Сўнгра бирданига анчагина ҳурматли кишиларни ҳеч қандай муваффақиятлардан умид қилмасликларини айтган. Мен ундан «нега бундай жавоб бердинг» деб сўрадим. «Муваффақиятсизликларимизнинг олдини олмоқчи бўлдим» дея пинагини ҳам бузмай жавоб берди. «Аргентина командасини ютишимизга сен ишонмайсанми?» деб яна қизиқсиндим. «Албатта, бу хомхаёл-ку?», деди у. Шундай жавобни эшитганимдан сўнг унга дарвозани ишониб бўлармиди? Шундай қилиб, Н' Коно дарвозани эгаллади.

Тўғри, мен совет терма командаси билан бўладиган ўйин олдидан беш нафар ўйинчимга дам бермоқчи, Беллни эса дарвозага қайтармоқчи ҳам бўлдим. Аммо делегациямизга раҳбарлик қилган ёшлар ва спорт ишлари вазири бундай қилмаслигимни айтди. «Агар составда ўзгариш бўладиган бўлса, Камерун командаси билан СССР терма командаси сиз орқали келишиб олган бўлмайдими» деб президентнинг шубҳасини маълум қилди.

— **Бундай тахминлар СССР футболчиларига ютқазиб қўйганларингиздан сўнг барибир айтилди-ку?**

— Биламан. Лекин футболда ҳамма вақт бундай миш-мишларнинг бўлиши тайин. Аслида эса совет делегациясидан ҳеч ким бундай илтимос билан менга мурожаат қилмаган.

— **Тўғрисини айтинг, чемпионат олдидан сиз нималарни мўлжаллагандингиз?**

— Аввало, саралаш гуруҳидан чиқиб олишни.

— **Янада юксакроқ поғоналарни ҳис қилганингиздан кейин-чи?**

— Колумбияликларни енгганимиздан сўнг кўрдимки, командам ўз ўйинидан анча руҳланиб кетди. Мухлислар ҳам биз томонда туришди.

— **Лекин улар англияликлар билан бўлган ўйинда сизларга ёрдам бермади...**

— Афсус, бу мағлубият бугун ҳам мени қийнаяпти. Ахир бизлар биринчи бўлиб тўп ўтказиб қўйганимиздан кейин ўйин йўналишини бутунлай ўзгартириб, ҳатто олдинга ҳам чиқиб олгандик. Аммо...

Ўйин тугашини билдирувчи ҳакам ҳуштагининг янграшига ўн дақиқа қолганида йигитларни тўхтатиш, тўпни эса ўзларида кўпроқ ушлаб туришни талаб қилмаганим учун битта ўзим айбдорман!

Улар бу паллада бошларини қуйи эгганларича фақат олға интилишарди.

— **Кучли саккизликка кириш ҳам катта муваффақият. Айниқса, асосий рақиб ҳисобланмаган команда учун.**

— Бизни Камерунда худди қаҳрамонлардек кутиб олишганини айтмайсизми?! Айтишларича, бундай катта тантана илгари фақат бир марта — мамлакатга Рим папаси ташриф буюрган вақтда бўлган экан.

— **Миш-мишларга қараганда, сиз жуда бойиб кетган эмишсиз...**

— Бошқалар қаторида мен ҳам энг нуфузли орден билан тақдирландим. Ўйинчиларга юз минг доллар атрофида мукофот пули беришди. Тренерлар эса бир цент ҳам олишмади. Сабаби, амалдаги қоидага кўра, биз ўзимизнинг доимий вазифамизни адо этгандик, холос. Ўйинчилар эса вақтинчалик.

— **Балки арзимас бундай пул учун хафа бўлиш ҳам ўринсиздир?**

— Сиз ҳақсиз. Пулсиз у ёқда ҳам, бу ёқда ҳам қийин. Аммо менинг юз миллионим бўлганда ҳам француз ҳаками Вотронинг финал ҳуштаги янграганида ҳозиргина аргентиналиклар устидан ғалаба қозонган ўйинчиларнинг барчаси мени табриклаб, қучоқлаб олишган лаҳзалардаги севинчимни, туйғуларимни ҳеч нарсага алишмайман. Бунинг учун қарисанг арзийди...

— Командада Милла қаердан пайдо бўлиб қолди? Сизларнинг муносабатларингиз ҳақида матбуот роса ёзди...

— Аввал уни командага таклиф қилмовдим. Икки йил олдин ўз ватанида «Камерунлик Пеле» деб ном олган Роже терма команда билан расмий равишда хайрлашиб, учинчи разрядли француз клубида ўйнаш учун кетганди. Кейинги йили у тўсатдан Жазоирда пайдо бўлиб қолиб, бизнинг Африка чемпионатидаги ўйинларимизни кузатди. Шунда терма команда қандай эканлигини сўраганимда, менинг саволимга у «олдинда ўйновчи ҳужумчи етишмаяпти» деб кинояли жавоб қайтарди.

Югославия сафари олдидан сўнгги йиғинга уни рўйхатга киритишимни кўплар қатъий туриб талаб қила бошлашди. Бу таклифга қарши бўлганим учун деярли барча матбуот компаниялари менга нисбатан тескари муносабатда бўлишди.

— **Нега?**

— Биринчидан, мен уни анчадан бери иш устида кўрмагандим. Иккинчидан, терма команданинг барча ўйинчилари Роженинг характери оғирлиги сабабли унга қарши эдилар.

— **Лекин у барибир Италияга борди-ку!**

— Бу билан мен ҳам ҳеч нарса йўқотмаслигимни тушунгач, уни Югославияга кетиш олдидан йиғинга таклиф қилдим. Дастлабки икки томонлама бўлган учрашувда унинг бир ўзи биринчи составнинг ҳимоясини деярли «ёриб» ташлади. Кейинги ўйинда эса Югославия клуби дарвозасига тўп ҳам киритди. Шундан кейингина мен унинг номини жаҳон биринчилигига борувчилар рўйхатига киритдим.

— **Бизга маълумки, дарвозабон Н' Коно атрофида ҳам шундай баҳслар бўлди...**

— Бизда Белл биринчи номерли ўйинчи саналарди. «Бордо» клуби сафида қатнашиб, Франция чемпионатининг энг яхши дарвозабони деб тан олинганди. Аммо аргентиналиклар билан бўладиган ўйин арафасида «Франс футбол»га берган интервьюсида Италияда камерунликларни ҳеч қандай муваффақиятлардан умид қилмасликларини айтган.

А. ЛЬВОВ.
(«Советский спорт» рўзномасидан).

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ФАРҒОНА вилояти Бувайда ноҳиясидаги 2-маданият уйи ҳузурида ташкил этилган «Субҳидам» дастаси ўзининг дастлабки чиқишлариданоқ аҳоли ўртасида шуҳрат қозонди. Ижодий жамоа турли ёшдаги ва хилма-хил касб эгалари бўлган 30 кишини — халқ санъати ихлосмандларини бирлаштирди. Дастаннинг ижро мундарижасидан ўзбек ва тожик халқ қўшиқлари, замонавий муаллифларнинг асарлари ўрин олган. Дастаннинг пахтакорлар ҳузуридаги чиқишлари пахта терими кунларида ҳам қишлоқлар учун яхши совға бўлди.

* * *


ҚАШҚАДАРЁДА болалар китоблари ҳафталиги бўлиб ўтди. Қаршида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистондан келган ёзувчилар тўпланди. Қўриқ ўлкадаги мактабларда, пионер саройлари ва маданият уйларида адабий викториналар, учрашувлар, суҳбатлар, шеърият кечалари, ижодий ҳисоботлар бўлиб ўтди. Бундай адабиёт байрами вилоятда илк бор ўтказилди. Шунинг учун ҳам у ўлкадаги ёшу қари барча аҳолида катта қизиқиш уйғотди. Болалар эса севимли муаллифлари билан учрашиш имконига эга бўлдилар.

* * *

СИРДАРЁ вилоятида Улуғ Ватан уруши ветеранлари кинотеатрларга ва Гулистон вилоят мусиқали драма театрларида намойиш этиладиган спектаклларга бепул кириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бундай имтиёзлар тўғрисидаги қарорни вилоят маданият бошқармаси қабул қилди.

(ЎзТАГ).





Бу қадимий тупроқнинг ёши қанчалигини айтиб бера оласизми? Афсуски, йўқ. Эҳ-е, бу рўйи-замин неча минг-минг йиллар давомида қанчалаб жангу-жадаллар, қонли талотумларга ёлғиз гувоҳ. Беҳисоб шаҳру-кентларимиз, овулу-қишлоқларимиз, авлод-аждодларимиз тупроққа айланиб кетгани-чи? Ҳеч қачон тарихни тузатиб бўлмайди. Лекин таваккал, тахминлар ила мозийни англамоққа, ўрганишга мажбурмиз.

Самарқандда кўмилиб кетган қадимий Афросиёб шаҳри қолдиқларини археологлар неча йиллардан бери қазийдилар. Айни пайтда совет ва француз археологлари бу шаҳар тарихини салкам олти йилдан бери ўрганишяпти.

СУРАТЛАРДА: қадимий Афросиёб шаҳрини қайтадан «тирилтириш» осон кечмаяпти.

Р. ҒОФУРОВ сурати.
(ЎзТАГ).

ТВ

6 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.
9.00 «Сирли ворис». Бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»). 10.05 «Келажагимиз мактабда» (такрор.). 11.05 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан. «Ҳужжатли экран». 12.05 «Қалбларга йўл топиб...» 12.40 «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 13.10 «Бу сирли олам...» 13.50 «Замон ва маросимлар»

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Дайди тўтининг қайтиши». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ёзувчилар — пахтакорларга». 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ҳафтанома». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Бадиий-мусиқий кўрсатув. 23.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Дунё». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон). 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 Бизнинг хазинамиздан. С. Улуғзода. «Жасорат». Телевизион спектакль. 11.30 «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Рикэ-хохолок». Мультфильм. 18.20 «Светофор». Йўл ҳаракати ёш инспекторлари учун телевикторина. 19.00 «Новости». 19.20 «Наёми дўсти». Қўрғонтепа шаҳрида халқ ижодиёти Бутуниттифоқ фестивали. 20.30 «Ахбор». 20.50 «Руҳафзо». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Фарҳанг ва ҳунар». Адабий-публицистик кўрсатув. 23.20 «Қизил китоб»ни варақлаганда». Телефильм.

● **МТ I**

7.00 «120 минут». 9.05 «Сиз яратган боғ». 9.35 «Инсон. Ер. Коинот». 10.35 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 11.05 Режиссёр Б. Кимёгаров фильмлари. «Шоир тақдири». 13.00 «Ҳайвонот оламида». 14.00 «Обиҳаво». 14.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 15.00 Останкино концерт студиясида ёзувчи В. Д. Захарченко билан учрашув. 16.35 «Москва—Сиэтл». Мусиқий лавҳа. 17.00 Оила экрани. «Ёз охирлаб қолганда» (Свердловск киностудияси). 18.35 «Бартек ва ўлим». Мультфильм. 18.55 «Халқаро панорама». 19.40 Смоленск шаҳри «Золотое кольцо» дастасининг концерти. 19.55 СССР ҳукуматида. 20.05 «Москвалик таъмирловчилар ҳузурида». «И. Грабарь устахонасида. 20.20 «Мускал». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия («Туркманфильм»). 21.30 «Вақт». 22.10 «Мускал». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.20 «ТСН». 23.35 Оммабоп куйлар янгиликлари. Мадонна концерти (АҚШ).

● **МТ II**

8.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.45 «Пекка». Мультфильм. 8.55 «Оила» телекўрсатуви. 9.55 «Йўқолганни излаб». «Беревиль-90». Украина ва Молдавия театрлари жумҳуриятлараро фестивали ҳақида. 11.25 СССР Ўқитувчилар уюшмасини таништирамиз. 11.55 Д. Питерс (скрипка) хайрия концерти (Австралия). 12.30 МТ хазинасидан «Девордаги сурат». Телевизион бадиий фильм 1-серия (Одесса киностудияси). 13.55 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-56
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 23588.